

ЭРКИН МИРЗААЛИЕВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ  
МУЗЕЙИ: КЕЧА ВА БУГУН



Эркин Мирзаалиев

Наманган вилоят маданият ва  
спорт ишлари бошқармаси

Вилоят ўлкани ўрганиш  
музейи

# НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛҚАНИ ЎРГАНИШ МУЗЕЙИ: КЕЧА ВА БУГУН



«Фарғона» нашриёти,  
2010 йил

*Ушбу китоб вилоятимиз музейчилари ҳамда маданият коллежи ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, университетнинг ижтимоий маданият факультети ўқитувчи, талабалари учун услубий-оммавий қўлланма бўлиб қолмай, балки ўлка тарихи ва музейшунослик билан қизиқувчи барча ҳамюртларимизга мўлжаллангандир.*

**Масъул муҳаррир:**

Жамолиддин Муслим


**Тақризчи:**

Юсуфжон Исмоилов

Э.Мирзалиев

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ МУЗЕЙИ:  
КЕЧА ВА БУГУН**

«ФАРФОНА» нашриёти, 2010 йил – 9100.



© «ФАРФОНА» нашриёти – 2010 й.

© Эркин Мирзалиев

---

---

## КИРИШ

*Ҳар бир инсоннинг аجدодлардан қолган меросга, ўз халқи тарихига бўлган муносабати ва қизиқиши унинг эскиликка ўчлиги билан эмас, балки оддий инсоний туйғуси, боболар қони ва пешона тери тўкилган тупроқ юракдаги Ватан деган яшил дарахт илдизларига сув ичириши билан изоҳланиши керак. Қадимги ёдгорликлар биз учун халқимизнинг маданий тафаккурини, маънавий қиёфасини, ижодкорлик даҳосини намоён этишидан гоят муҳимдир. Кўҳна обида ва қўлёзмалар асрий мусиқа ва халқ оғзаки ижоди биз учун энг аввало халқимиз тарихини ёритувчи чироқлардир.*

*Ота-боболаримизнинг маънавий мероси, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, фалсафаси, ҳис-туйғулари, санъат ва илму-маърифатини самарали тарғиб қилувчи қимматли воситаларидан бири музей муассасалари ҳисобланади. Чунки, музейлар халқимизнинг тарихий, илмий, маънавий аҳамиятга эга бўлган бойликлари, қадриятларини йиғиш, сақлаш, ўрганиш, дунёга танитиш ва тарғиб этишга хизмат қилувчи беқиёс ташвиқот воситаси вазифасини бажаради.*

*Халқнинг турмуш даражасини билмоқчи бўлсанг унинг бозорини бориб кўр, дейишади. Худди шунингдек бирор халқнинг ўтмиши, маънавий қадриятларини ўрганмоқчи бўлган ҳар қайси ўқимшили, зиёли одам, унинг тарихий обидалари, кутубхоналари билан бирга музейларини ҳам кўришга интилади. Чунки, бундай даргоҳларда кўرгазмага қўйилган ҳар бир буюм, ҳар бир ёзув муайян халқнинг ўтмишидан жонли ҳикоя қилади.*

Наманган шаҳридаги «Вилоят ўлкани ўрганиш музейи» 90 йилдирки, ёшларни боболар анъаналарига, миллий қадр-ятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим воситагина бўлиб қолмай, унинг довругини эшитган каттаю-кичик тезроқ бориб кўришга интилувчи дилтортар даргоҳ айланди. Ушбу китобни ўқиган ҳар бир кишида «Вилоят ўлкани ўрганиш музейи»ни зиёрат қилишга иштиёқ тугилса ажаб эмас.

Тарихий романлар устаси, улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлик» деган ибораларига амал қилган ҳолда музейнинг илмий ишлари бўйича директор ўринбосари, тарих фанлари номзоди, доцент Эркин Мирзаалиев қаламига мансуб «Вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун» деб номланган мазкур китобчаси тинимсиз изланишлар ва ташаббуслар туфайли юзага келди.

Унда музейнинг барпо бўлиши, мустақил ҳур диёримизнинг бугунги авлодларини фидоий, баркамол инсон сифатида тарбиялаш соҳасида олиб бораётган самарали фаолияти, жонкуяр ходим ва илмий ходимлари ҳақида фикр юритилган.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ МУЗЕЙИ ТАРИХИДАН

*Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр – ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Ҳа, ҳақиқатдан ҳозирги замон музейлари маданий-тарихий ва табиий-илмий қадриятларни мушоҳада қилишга мўлжалланган ижтимоий ахборот институтини ўзида намоён этади. Улар музей ашёларини ахборот воситасида муҳофаза қилиш, тўплаш ва тарқатиш, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилувчи ихтисослаштирилган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади. Музейлар нафақат табиат ва жамиятнинг ноёб ва хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий марказлари ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда ҳукуратимиз томонидан музейларга эътибор кучайиш билан биргаликда кўплаб янги йўналишлардаги музейлар очилмоқда. Айниқса, тарихий мавзудаги музейларнинг очилиши Ўзбекистон ўз фуқаролари, хусусан ёшларнинг тарих бўйича билимларининг ривожланишига, уларда ватанпарварлик, она-Ватанга меҳр туйғуларининг камол топишига аҳамият бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, бу табаррук туйғу йўлчи юлдуз, ишончли компас бўлиб хизмат қилади, у ислоҳотлар йўлини кўрсатади, кўзланган мақсаддан тойилишга йўл қўймайди. Тарихни билиш одамни маънан бой, кучли ва инсонпарвар қилади. Маънавийлик-деб ҳақли равишда таъкидлайди давлатимиз

рахбари ўз халқи тарихи, унинг маданияти ва мақсадларини чуқур тушуниши ва билишига таянганда кудратли кучга айланади.

Юртбошимизнинг бу кўрсатмаларига амал қилган Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг қарорлари асосида музей фаолиятини замон талаблари асосида юқори савияга кўтариш, Республика музейлари орасида ўз ўрни, нуфузига эга бўлишини таъминлаш мақсадида кизгин изланишлар олиб бормоқдалар.

Наманган вилоятида 6 та «Халқ» музейлари мавжуд. Улар Косонсой шаҳридаги Маҳдуми Аъзам номидаги, Чортоқ тумани Алихон қишлоғидаги, Янгиқўрғон, Уйчи туманидаги, Тўрақўрғон шаҳридаги, Минбулоқ туманидаги «Халқ» музейларидир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида иккинчи Пош шаҳридаги «Археология» музейи ҳамда вилоятдаги бир қатор уй музейлари, мактаб, жамоатчилик музейлари ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу масканларда халқимиз тарихини ўрганиш ва ташвиқ этишдек ҳайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Вилоят ўлкани ўрганиш музейи улар учун услубий марказ ҳисобланади. Чунончи, музейда ва музейдан ташқарида мунтазам оммавий-маърифий суҳбат, гурунг, учрашувлар, тарихий саналарга бағишланган тадбирлар, илмий ходимларнинг ўлка табиати, тарихи ва маданияти сирларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари, ўқув юртлари ўқувчи ҳамда талабаларининг очик дасрлари, амалий машғулотларининг музей кўргазма залларида жонли ўтказилиши юқоридаги фикримиз далилидир.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўзининг 90 йиллик тарихига эга. Бу дегани салкам бир аср. Айтиш мумкинки, музей шу йиллар давомида вилоятнинг маданий-маърифий ишларда ўз салмоқли ҳиссасини қўшиш билан биргаликда ҳар томонлама шаклланиш босқичини ҳам босиб ўтди.

Шуларни инобатга олиб биринчи маротаба мавжуд манбаларга суянган ҳолда имкон даражасида Наманганда музейга

асос солиниши ҳамда унинг ривожланишида, яъни нодир, ноёб, тарихий қимматга эга экспонатлар билан бойитилишида, қўйингчи, ўзининг бутун онгли ҳаётини музей ҳаёти билан чамбарчас боғланган фидойий инсонлар хақида маълумот беришни мақсад қилдик. Шунингдек, сиз музей тадбирлари, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлар, музейга ташриф буюрувчи шахримиз меҳмонлари хақидаги тарихий маълумотлар ва суратлар билан ҳам танишасиз. Ўйлаймизки, китобни ўқибоқ албатта музейимизга ташриф буюрасиз. Сизни кутиб қоламиз, азизлар!

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи тарихини хурматли зиёратчиларимизга ҳикоя қилишдан аввал музейлар дастлаб қаерларда очилган ва «музей» деган сўзнинг тилимизга қандай кириб келганлигини қисқача баён қилсак қадимги даврларда греклар фан, санъат ва шеърятга раҳнамолик қилувчи париларни – муза – маъбудлар қароргоҳини «мусеон» деб аташган. Римликлар эса бундай жойларни «музеум» деб талаффуз этишган.

Музейлар дастлаб қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Бу мамлакатларда айрим санъат ёдгорликлари ибодатхоналарда тўпланиб, турли кўرғазмалар ташкил этилган. Кейинчалик Эллинизм даврида музей коллекциялари вужудга келди. Санъат, маданият ва фан эришган ютуқларнинг намуналаридан иборат коллекциялар тўплаш Уйғониниш даврида Италияда, сўнг Англия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда расм бўлди. Лондондаги Британия музейи (1753 йил), Париждаги Лувр музейи (1793 йил) Ғарбий Еуропадаги илк оммавий музейлардир. Жаҳондаги йирик музейлар асосан, 19 – асрда пайдо бўлди. Мадриддаги Прадо музейи (1819 йил), Москвадаги Тарих музейи (1873 йил), Петербургдаги Эрмитаж (1852 йил), Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи (1870 йил), Тошкентдаги Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (1876 йил) шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам санъат асарлари, бадий буюмлар, инсонлар сиғинадиган ҳайвонлар, худоларнинг ҳайкаллари ва ёзувлари қадимдан кадрланган ва



йиғиб борилган. Жумладан, тарих гувоҳлиғича, X асрдаги Бухоро ва Шероз амирликлари кутубхоналарида инсоният яратган ҳамма нодир китоблар бўлган. Ёинки, Темур ва теурийлар даврида меъморий ёдгорликлар, мақбаралар, масжид-мадрасалар, саройлар курилди. Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиш «Усмон Қуръони»нинг асл нусхасини Самарқандга келтирилди ва дунёга машхур Темур кутубхонаси барпо этилди.

Исҳоқхон тўра Ибрат Тўракўрғонда 1907 йилда «Матбаачи Исҳоқия» номи остида босмахона очди ва иш бошлади. 1909 йилда Тўракўрғондан Наманган шаҳрига кўчирилиб, ноширлик соҳаси ривожлантирилди.

Кўқон хонлиғи бой китоб хазинаси билан дунёга машхур бўлган. Масалан, Тошкентда Жўрабекнинг шахсий қўлёзмалар коллекцияси, Боқижон бой, Қози Муҳиддин, Андижондаги Дукчи Эшон кутубхонлари ва ундаги қўлёзмалар ўзининг нодирлиғи ва қадимийлиғи билан машхур эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айта оламизки, Ўрта Осиё диёрида моддий ва маънавий ёдгорликларни тўшлаш, сақлаш асрий анъана бўлиб, миллий хусусиятларга, Ислон дини урф-одатларига риоя қилган ҳолда амалга оширилган. Аммо, оммавий музейлар юртимизда чоризм босқинидан кейин пайдо бўлган. Жумладан, Самарқандда (1874 йил), Тошкентда (1876 йил), Янги Марғилон (ҳозирги Фарғонада 1895 йил) музейлар ташкил этилган.

XIX асрда Туркистон ўлкасида дастлабки музейларнинг юзага келиши ўлкада маданиятнинг ривожига қўшилган муҳим хисса, деб биламиз. Маҳаллий аҳолининг гарчи оз сонли зиёлилари музей экспозициялари билан танишиб, ўлкаларнинг ўз табиати, ерости ва усти бойликларидан намуналар кўриб, ўзлигини билишга туртки олган бўлсалар ажаб эмас.

Ҳўш, Наманган шаҳрида музей ташкил этилиши тарихи қандай бўлган? Қадим-қадимдан бизга маълумки, Наманган Фарғона водийсининг гўзал, сўлим ва обод шаҳарларидан эди. Наманган – гуллар шаҳри. Бу лўнда таърифнинг ўзига хос, қарийб минг йиллик тарихи борки биз XIX асрнинг иккинчи

ярмида Наманганга рус ва чет эл савдогарлари, сайёҳлари, олимлари келганида Наманган тўғрисида ёзиб қолдирган эсдаликларидан кўришимиз мумкин. Чунончи, Наманганда уезд бошлиғининг (капитан П.Аверьянов) ўринбосарлари бўлиб ишлаган В.П.Наливкин ва унинг хотини М.Наливкина ўша вақт шу ерда яшадилар. Истеъфога чиққач, у ўз оиласи билан Нанай қишлоғида бир неча йил яшаган. Эр-хотин Наливкинлар тарих, тил, этнографияга доир материаллар тўпладилар ва китоблар ёздилар. Масалан, Наливкин тўпланган материаллари асосида (махаллий тарихий манбалар, ривоятлар, ёрликлар, буйруқлар, иноятномалар ва бошқалар) «Кўкон хонлигининг қисқача тарихи» (Казань, 1886), В.Наливкин ва Наливкинанинг этнографияга доир «Очерки бўта женщины оседлого туземного населения Ферганы», «Русского-сартовский и сартовского-русский словарь» (Казань 1886), М.Наливкина «Сартовского-русский словарь по наречиям Наманганского уезда» каби асарлари Наманганда музей ташкил этиш учун ўша даврларда асосий манба ва туртки ролини ўйнаган эди.

Шўролар ҳокимияти пайдо бўлгандан кейин музейларга раҳбарлик қилиш вазифаси маориф халқ комиссарлар советига, яъни унинг қошида ташкил қилинган «Музей ишлари ва қадимги ёдгорликлар ҳамда санъатни асраш бўйича Бутунроссия коллегияси»нинг зиммасига юклатилди. Кейинчалик 1918 йилнинг майида бу коллегия маориф халқ комиссарлар советининг музей бўлимига айлантирилди ва барча музейларни бирлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Шунга мувофиқ бўлимлар ва бўлимчалар қилинди. Ўзбекистондаги маориф халқ комиссарлар советлари қошида ҳам ташкилланди. Музей ишига ташкилий ва илмий раҳбарлик шу тариқа таъминланиб, жойларда алоҳида ҳар хил йўналишдаги музейларни ташкил этишга ҳам эътибор қаратилди.

## Иванов Владимир Иванович



Жумладан, ҳозирги кунда нафақат Фарғона водийсида, балки Республикамиздаги эътиборли илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий даргоҳлари каторидан муносиб ўрин олган Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи 1920 йил 20 августда Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактаб физика ўқитувчиси Владимир Иванович Иванов ташаббуси билан барпо этилган. Ушбу мактаб музейида дастлаб физикадан ўқув асбоблари жамланган. Кейинчалик Иванов раҳбарлигида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўлка табиати, тарихи, этнографиясига оид экспонатларни олиб келиниши билан Наманганда ўлкашунослик музейини алоҳида ташкил этиш учун оммавий суръатда иш бошланди.

Туркистон Республикаси халқ комиссарлар советининг 1918 йил 19 апрелдаги декрети билан Тошкентдаги княз Николай Рамоновнинг мажмуалари давлат мулки деб эълон қилинди. Унинг данғиллама ҳовлиси халқ музейига айлантирилди. Шу декретга асосан Наманган шаҳрининг марказидаги савдогар Ҳамдам Қаландаров дўкони биноси музейга ажратиб берилди.

Наманган ўлкашунослик музейини ташкил бўлган дастлабки йилларда жамғарма фонди, бўлим ва экспозицияларни очиш учун етарли экспонатлари ҳам йўқ эди. Асосан кўпчилиги геология, минерология ва зоологияга тегишли бўлиб, хазина фондида 1000 га етмаган экспонатлар бор эди,

холос. Булар ичида қисман маҳаллий аҳолининг уй-рўзғорида ишлатиладиган этнография буюмлар учрарди.

Дастлабки йиллари иш ташкилий хусусиятга эга бўлган, йиғиб келинган экспонатларни тартибга келтириш, китобларни жой-жойига қўйиш талаб этиларди. Музейнинг биринчи директори В.И.Иванов ўзи физика ўқитувчиси бўлганлиги учун биз юқорида айтганимиздек экспонатлар тўплаш ва музейнинг айрим хазина-фонд ишларини тартибга келгиришда мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда рус мухожирлари Фотиҳа Макаева, кейинчалик Хусан Макаевлар ҳам иштирок этганини кўрамиз.

В.И.Иванов раҳбарлигида музей ишларини илмий асосда қилиниб, ҳар йили вилоятнинг чўл, тоғ зоналарига, яъни Нанай, Мамай, Чодак, Гова, Косонсойга илмий экскурсиялар уюштирилиб, ўлкамиз табиатига, тарихига, маданияти ва хунармандчилик санъатига оид буюмлар йиғилиб, уларга илмий ишлов берилиб хазина-фонд бойитиб борилди. Натижада 1922 йилда музей экспонатлари сони 900 тага етади. Ташриф буюрувчиларнинг 500 нафардан ортган. Тарихий осори атиқалар тўплашда шаҳар аҳолиси қўлидан келганича ўз ёрдамини кўрсатади.

1923 йилга келиб музейда қўйидаги бўлимлар бўлган:

- 1. Зоологияга оид.**
- 2. Минерологияга оид.**
- 3. Анатомиёга оид.**
- 4. Нумизматикага оид.**
- 5. Ўқув қуроллари бўлимларидан иборат бўлган.**

1920-1927 йилларда В.И.Иванов мудир эди. Фақат иккита штат: мудир ва фаррош, қоравул бўлган холос. У бир вақтнинг ўзида ҳам маъмур, ҳам илмий ходим вазифасини бажарган. Унинг илмий хусусияти ҳақида қўйидаги хужжат гувоҳлик беради:

«1922-27 йилларда музей томонидан илмий характердаги қўйидаги ишлар кўзда тутилган:

а) Этнография бўлимини маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари билан тўлдириш, уй-рўзғор буюмлари яъни идиш-товок коллекциясини тўлдириш, Чуст хунармандлари маҳсулотлари эркак ва аёл дўшилари ҳамда пичоклари коллекциясини бойитиш;

б) Табиатшунослик бўйича коллекцияни тўлдириш мақсадида ёз фаслида вилоятнинг Чуст, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларига экскурсия уюштириш;

в) Маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини ҳунармандчилик санъатини, савдо-сотик ишларини, меҳнат – фаолиятини акс эттирувчи фотосуратлар кўргазмасини ташкил этиш;

г) Аҳоли ҳада қилган сопол буюмлар коллекциясини тартибга келтириш;

д) Аҳолидан нумизматикага оид (тангалар) экспонатларни йиғиб олиш ва уларни даврлаштириш ишларини амалга ошириш ва бошқалар».

Музей тарихида Иномжон Низомбоев сезиларли из қолдирган. У музейга 1927 йилдан 1937 йилгача мудирлик қилган. 1930 йилга келганда музей хазина фондидаги экспонатлар сони 3000 тага, зиёратчилар ташрифи 20 мингга етди. Айниқса, Иномжон Низомбоев сазй-ҳаракатлари билан шу йил Наманганда ташкил этилган ҳосил байрами муносабати билан шаҳар ҳунарманд бирлашмалари томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар кўргазмаси бўлди. Кўргазма якунидан сўнг уларнинг кўп қисми музей хазина-фондига ҳада этилиши ўз – ўзидан экспонатлар сони ортиб боришига имкон туғдирди.

30-йилларда музей фаолиятида рўй берган ўзгаришлар кун тартибига малакали кадрлар тайёрлаш масаласи қўйилди. Музейларнинг 1 съездида (1930 йил 1 декабрь Москва) уқтириб ўтилганидек, бу айни муҳим масала эди, чунки музейшунослик илми музей иши билан чамбарчас боғлаб олиб бориш санъатини талаб қилади. Ҳар бир музейда икки илмий соҳа мавжуд:

Биринчиси, унинг илмий ихтисоси билан белгиланади. Тарих фани – тарих музейида, адабиётшунослик адабиёт музейида, санъат – санъатшунослик музейида ўрганилади.

Иккинчи, соҳа эса комплектлаш, экспонатларни сақлаш, таъмирлаш, илмий тавсифлаш, экскурсия, экспозицион санъат назарияси ва методикаси. Шунингдек, музей фаолиятининг бошқа шакл ва услубларини ўрганувчи музейшунослик ҳам мавжуд. Ҳар куни ва ҳар соатда музейнинг илмий ходими гоҳ экспозициячи, гоҳ экскурсавод ёки адабиётшунос, гоҳ у ёки бу музейнинг тadbир ташкилотчиси сифатида намоён бўлади.

## Иномжон Низомбоев

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи илмий ходимларининг вазифаси янада оғиррок эди. Улар ўз ўлкаларининг тарихи, иқтисодиёти, маданиятидан яхши хабардор бўлишлари, шу асосда моддий буюмлар йиғиб, экспозиция яратишлари лозим эди. Аммо, бошқа музейлардаги сингари Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳам биз



тахлил қилаётган даврларда малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи оғир эди. Шунга қарамай 30–40-йилларда музей тараққиётида самарали ишлар амалга оширилди.

Масалан, 30–йиллардан кейин музей жамоаси Наманган аҳолисини, айниқса мактаб ўқувчиларини табиатга кизиқишларини ҳисобга олиб, соҳага оид экспонатлар тўплаш ва намойиш этишга эътиборни кучайди. «Ўлкамизнинг географик тузилиши», «Аҳолиси», «Тупроқлари», «Иқлими», «Сув манбалари», «Тоғ манзараси» каби мавзуларда ёзма маълумотлар тўпланди. Турли–туман ўсимликлардан гербарийлар йиғилди ва ҳашоратлардан коллекция тўшланди. Бу давр учун энг характерлиси илмий ходимлар томонидан парранда ва ҳайвонлардан тирик бурчак ташкил қилинди. Кейинчалик парранда ва ҳайвонларни қотирмалари тайёрланди. Уларга маълум илмий ишлов берилгандан кейин хазина-фондга, ҳамда кўرғазма залларига ўтказилди.

Музей захматқашларидан бири Ҳайдар Зокиров 1927-йилдан бошлаб музейда тарих бўлимининг мудури бўлиб ишлади.

## Ҳайдар Зокиров

1937 йилдан 1952 йилгача музейга мудирлик қилган. Орада, яъни 1942 йилдан 1943 йил май ойигача иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида душман-га қарши курашди. Қайтиб яна музей ди-ректорлиги лавозимида ишни давом эттирди. 1944 йилда унинг та-шаббуси билан музей-да Улуғ Ватан уруши бўлими очилди. Ҳайдар Зокиров 1952 йилдан халқ ижоди уйига ишга ўтди.



1938 йилда музей кўргазма залларини қайта жиҳозлаш мақсадида вақтинчалик беркитилди. 1939 йилда музейда кўйидаги

-Табиат;

-Тарих;

-Социализм қурилиши каби бўлимлар ташкил этилиб, яна музей ўз ишини давом эттирди:

1940 йил музей экспонатлари сони 10,000 тага борди. Ўлкамиз табиатига, халқларимиз тарихий ёдгорликларига, меъморчилигига, бадиий амалий санъатига, шўролар замонидаги халқ маорифи, тиббиёти, маданий ҳаётга оид экспонатлар фондга тўпланган бўлиб, Фарғона водийси музейлари ичида муносиб ўрин эгаллади. Музейга кирувчилар 23,000 кишига етди.

1941 йил 22 июнда фашистлар германиясининг ҳужуми билан иккинчи жаҳон уруши гирдобига собиқ СССР халқлари ҳам тортилди. Оқибатда музей ўз фаолиятини вақтинча тўхтатди. 1943 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Олий Советининг Наманган вилоятини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмитаси

томонидан Наманган вилоят ўлкашунослик музейини қайта очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. (1939 йилда қайта ташкил этилган шаҳар ўлкашунослик музейи базасида). 1945 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон ССР халқ комиссарлар Кенгашининг 1766-сонли қарори билан Наманган вилоят ўлкашунослик музейи Наманган вилоят халқ маорифи бўлимидан Наманган вилоят маданий-оқартув муассасалари бўлими тасарруфига ўтказилган.

1960 йилнинг 25 январида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми фармониға биноан Наманган вилояти тугатилиши муносабати билан вилоят ўлкашунослик музейи ҳам айна вақтда Андижон вилоятиға бўйсунувчи Наманган шаҳар ўлкашунослик музейиға айлантирилган.

### **Набижон Аҳмедов**

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, 1952 йилдан 1960 йилгача музейға Набижон Аҳмедов директорлик қилган бўлиб, у кишининг саъй-ҳаракатлари, тинимсиз изланишлари, ташкилотчилик қобилияти туфайли бу ерда катта ишлар амалға оширилади.

Музейнинг табиат бўлимини экспонатлар билан бойитишда 1947 – 1971 йилларда фаол хисса қўшган Иван Иванович Маленковнинг хизматлари катта бўлди. У музейда табиат бўлими мудирини, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарини, 1964 йилда музей директор вазифаларида ишлаб, музей тараққиётиға фаол хисса қўшди.





**Иван Иванович  
Маленков**

1965 йил 30 мар-тидан 6 октябригача Обиджон Камалов музейда вақтинчалик ди-ректор вазифасини ба-жара бошлади 1965 йил 7 октябридан 1970 йилга қадар яна И.И.Маленков музей директорлигини давом эттирди. У 1966 йилда музейда кўшимча санъат бўлими ташкил этилишига асос солди.



**Обиджон Камолов**

1967 йил 18 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Наманган вилояти қайта тикланди. Натижада 1968 йилда Наманган шаҳар ўлкашунослик музейи Наманган вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги вилоят ўлкани ўрганиш музейига айлантирилади. Музей таркиби; рахбарият, фонд бўлими, оммавий ва илмий-оқартув ишлар бўлими, кутубхонадан иборат бўлган. Бухгалтерия-ҳисобот бўлими 1965 йилгача фаолият олиб борган. Марказлаштирилган



бухгалтерия–хисобот тизими ташкилланиши муносабати билан бухгалтерия хисобот бўлими қисқаради.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи илмий муассаса мақомида қўйидаги фаолият турини олиб борган;

-Ўлка табиати ва тарихини ўрганиш;

-Ўлка табиий ресурслари намуналарини йиғиш, тарғиб қилиш;

-Табиат ҳақидаги илмий билимларни тарқатиш;

-Меҳнатқашларни ватанга меҳр – мухаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўмаклашиш ва бошқалар.

1970 йилдан бошлаб музей илмий ходимлари ҳар бир уруш қатнашчиси хонадонида бўлиб, улар хотирасини ёзиб, орден, медаллари, хат, сурат ва бошқа ашёларини олиб келиб, экспозицияларни янада бойитишди. Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан Наманган вилоят партия қўмитети, вилоят ижроия қўмитетининг раҳбарлигида 1975 йил майда вилоят ўлкани ўрганиш музейи филиали «Шон – шуҳрат уйи» (ҳозирги «Хотира ва кадрлаш уйи» музейи) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги ПФ 2243 сонли Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 мартдаги 119-сонли ҳамда 22 июлдаги 358 – сонли қарорлари шу ҳақда вилоят ҳокимлигининг 1999 йил 26 мартдаги 93 – сонли ва 29 июлдаги 222-сонли қарорларини амалда бажариш юзасидан вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасининг 2000 йил 20 апрелдаги 17 – сонли буйруғи асосида вилоят шон – шуҳрат уй музейи «Вилоят Хотира ва кадрлаш уйи» музейи деб номлана бошлаган.

269742





(ўнгдан чапга)

**Турғунбой Байханбаев, Икромжон Акбаров**

Юқоридаги ишларни амалга оширишда 1971 – 1976 ва 1978-1979 йилларда музей директори вазифасида ишлаган Икромжон Акбаровни, музей ходимлари, Томильченко Т.П, Ж.Тўраханов, Т.Бойхонбоев, А.Шукуров, Э.Миржалолов, И.Усмоновларнинг хизматлари салмоқли бўлган. Шу ҳаракатлар натижасида 1976 йилда мазкур даргоҳ иккинчи тоифали музейлар қаторига кирган.

Бундан ташқари ўша пайтда вилоятимизнинг айрим хўжаликлариди, Наманган туманидаги собиқ «Ленинград» колхози, Янгикўрғон туманидаги «Ульянов» номли колхозларда ҳам Шон-шухрат уйлари 1974 йили тажриба сифатида ташкил этилган эди. 1975 йили эса вилоятимиздаги барча хўжаликларда ташкилот, корхона, ўқув юртларида оммавий тарзда ташкил қилинди. Бу ишда музей ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.



**Музейни аввалги биносида Бангладешлик меҳмонлар музей ходимлари билан (1979 йил)**

Шу ўринда 1971 йил 6 августдан 2001 йилгача музей фотографи (сураткаши) бўлиб ишлаган Жўрахон Тўрахоновнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Жўрахон ака камтар, билимдон, ўз ишининг мохир устаси сифатида нафақат музей тадбирларидан лавҳалар олиш, музейдан ташқарида археологик ёдгорликларни олимлар томонидан тадқиқ қилинишларда мунтазам ўзи ҳам катнашиб, топилган ноёб – нодир буюмларни суратга олиш билан музей экспонатларини бойитишдан тиниб–тинчимас инсон сифатида тилга олинадилар. Жўрахон ака музей раҳбари Икромжон Акбаров тўғрисида хотирлаб «У киши ходимларга нисбатан ўта талабчан эди. Шунингдек, ходимларнинг талабини ўз ўрнида қондириш хислатлари билан ажралиб турардилар. Бу эса интизомни ходимлар ўртасида қатъий интизом ва ишчанликни ўрнатилишига омил бўлган»-дейдилар.

1977–1978 йилларда тажрибали география ўқитувчиси

Ўлкашуносликни жонкуяр изланувчиси, Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабда ташкил этилган музей асосчиси Абдулла Нуриддинов музейга икки йилгина директорлик қилдилар.

Аммо, шу қисқа фурсат ичида вилоят ўлкани ўрганиш музейи табиат ва археология бўлимларининг ривожланишини кузатамиз. Шунингдек, ёшлар билан гавжум бўлганлигини ҳамма катталар ҳам эслашади. Абдуллажон Нуриддинов жонкуяр устоз ҳамда янги экспозиция кўргазмаларини ташкил этиш билимдони бўлганлиги учун мунтазам равишда «Қушлар байрами» ўқувчи ёшларни кўпроқ ўзига жалб қилувчи кўнгилочар тадбирлар, мулоқотлар ўтказилиши билан илмий ходимлар илмий оммавий, маърифий ишларга шунингдек, фонд ишларига катта эътибор қаратганлар.

### Абдуллажон Нуриддинов

1979 йили музей ҳаётида катта из қолдирган. Чунки, июль ойида ёшларни ҳар-бий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш со-ҳасида бутуниттифок миқёсидаги семинар ўтказилди. Наманган вилоят Шон-шуҳрат уйида олиб борилган ишларга юқори баҳо берилди. Собиқ Совет Иттифоқи маршали



В.И.Чуйков келиб семинарда иштирок этди. У Сталинград жангида 62-Армия Қўмондони бўлган эди.

Орадан кўп ўтмай жамоатчилик музейларига амалий ва методик-услубий ёрдам беришни янада яхшилаш мақсадида метод бўлим ташкил қилинди. Бўлимлар сони 8тага етди. Бу:

-Табиат бўлими;

-Инкилобгача бўлган давр бўлими;

- Совет даври бўлими;
- Улуғ Ватан уруши даври бўлими-Шон-шуҳрат уйи;
- Санъат бўлими;
- Фонд-хазина бўлими;
- Метод бўлими;
- Илмий оқартув ишлари бўлимларидан иборат эди.

Шу ўринда музей иши учун бутун қалби, билими ва кучини фидо этиб ишлаган ажойиб жонкуяр тарихчи Юсуфжон Исмоилов фаолияти тўғрисида икки оғизгина гапириб ўтишни жоиз деб топдик. Юсуфжон Исмоилов 1979 йилдан музейнинг услубият бўлимида катта илмий ходим лавозимида иш бошлаб, орадан кўп ўтмай «Амалий санъат бўлими» мудирини, «Инкилобгача бўлган давр бўлими» мудирини ва «Услубият бўлими» мудирини лавозимларида 1985 йилгача ишлади. У ўз ишининг билимдонини, фидойисини эди. Буни биз куйидаги унинг қаламига мансуб музей иш фаолиятига бағишланган илмий-услубий кўлланмалари мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, 1981 йилдан бошлаб, «Жамоатчилик музейлари учун услубий кўрсатмалар» рисоласини босмадан чиқарди. 1982-1985 йилларда бир нечта илмий-услубий тавсияномалар, плакатлар, илмий маърузалари нашр этилди.

Вилоят «Жанговар ва меҳнат шуҳрати уйи» (ҳозирги Хотира ва кадрлаш уйи)да иш фаолиятини давом эттириб, юздан ортиқ жамоатчилик уй-музейларини паспортлаштирди. Поп ва Янгиқўрғон туман марказлари, Чодак кишлоғида уй музейларини ташкил этишда экспозиция муаллифи бўлди. 1995 йил эса Наманган шаҳар «Шон-шуҳрат уйи»ни ташкил қилинишида экспозиция муаллифи ва уни амалга оширилишида бевосита ташаббус кўрсатиш орқали музей тарихида алоҳида из қолдирган ходим сифатида тилга олинади.

Ҳамидхон Дадабоев 1979–1986 йил ноябрига қадар музей директори сифатида жуда катта ташкилий-маданий ишларни амалга оширди. Бизга маълумки, 1920-30 йилларда динга қарши курашнинг кескин, оғир хатоларга тўла сурони халқимизнинг асрлар давомида юрак тўрида асраб-авайлаб келган қўлёмаларини ҳамда юксак меъморчилик намуналарини

бўлган масжиду-мадрасалар, роботу-мақбараларни ер билан яксон қилиб ташлади. Сақланиб қолганларидан эса турли мақсадларда омборхона, кичик шоҳи-атлас тўқиш корхоналари сифатида фойдаланиб келинган эди. 1980 йиллардан кейин қадимий меъморий обидаларга бўлган муносабат ўзгариши билан арок, вино омборхоналари сифатида кадрсизланиб келинаётган меъморий обидалар ўзини қайта қаддини ростлай бошлади. Буни биз 1984-1985 йилларда Наманган шаҳрида ташкил этилган маънавий-маърифий ишларда кўришимиз мумкин. Жумладан, Наманган шаҳридаги Мулла Қирғиз мадрасасида «Адабиёт музейи» ўз фаолиятини бошлаган бўлса, Хўжамнинг мақбараси, Атауллохон тўра масжиди биноларида вилоят ўлкани ўрганиш музейи санъат бўлимлари жойлаштирилиб у ерда санъат кўرғазмалари ташкил этилган эди.

Айниқса, бу даврларда музейнинг ҳозирги фаолият олиб бораётган янги биносини лойиҳа-сметасини тайёрлаш ва амалга ошириш масаласи Ҳамидхон Дадабоевга тинчлик бермас эди. Ўша йиллари Наманганда музей учун 3 қаватли замон талабидаги мослаштирилган бинони қуриш анча мушкул эди. Сабаби қурилиш лойиҳа сметаси бир миллиондан кўп бўлган қурилиш ишлари лойиҳасига марказдан (Москва) рухсат олингандан кейингина амалга ошириш мумкин эди. Музей биносининг дастлабки лойиҳа сметаси бир миллион икки юз саксон минг сўмга режалаштирилган эди. Аммо, марказнинг қаршилигига учради. Охир оқибат музей биносининг лойиҳа сметасини тўққиз юз етмиш беш минг сўм қилиб белгиланиши билан Республика миқёсида тасдиқланиб, 1986 йилда қурилиш ишлари бошланиб, 1987 йилда янги музей биноси қуриб битказилди.



### Музейнинг янги биноси кўриниши

Музейнинг ҳозирги янги биноси қурилишида вилоятнинг бир қатор раҳбар ходимларининг хизматлари катта бўлган. Жумладан, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Назир Ражабов, вилоят ижроия комитетининг раиси Ботирали Ҳакимов, вилоят маданият бошқармаси бошлиқлари бўлиб ишлаган Умархон Иминов, Ҳафиза Аҳмедова, Санъат Зиёсваларнинг саъйи-ҳаракатлари алоҳида хурматга лойиқдир. Шунингдек, музей биносини қуришга сардорлик қилган прораб Маҳмуджон Сайдуллаевни қурувчилик санъати ҳозирда шахримиз меҳмонлари ва вилоят аҳли томонидан эъзоз билан тилга олинмоқда.

Яна бу даврнинг ўзига хос характерли томони шундаки, бу даврда музейда ўз ишини билимдонлари, ўз касбига меҳр қўйган инсонлар ишлаганлиги ҳурмат билан тилга олинади. Жумладан, санъат бўлимида Лопатинская Людмила Петровна (1977-1991), музей хазина-фонд бўлими мудири Томильченко Таиса Петровна, илмий ходим Багаева Т.Ю., совет даври бўлимида Солиев Н, Абдуллаева М, Нишанова М, Мирзааҳмедов А, санъат бўлимида М.Акрамов, метод бўлимида



Ю.Исмаилов, шон-шухрат уйида З.Дадабоев, тарих бўлими мудир Исоқжон Усмонов, табиат бўлимида Эргашали Миржалолов ва бошқалар музей ривожини учун салмоқли хисса қўшганлар.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейини янги бинога кўчиб ўтишдан аввал 1984-1987 йилларда эски турмани ўрнида КГБ идорасида жойлашиб, фаолият кўрсатиб келган. 1987 йилда Ўктамжон Рустамов директорлиги даврида ҳозирги янги бинога кўчиб ўтган. Ўктамжон Рустамов 1986-1988 йилда музейга раҳбарлик қилган. Бу даврда музейнинг табиат бўлимида бир қатор ибратли тадбирлар, кўргазмалар амалга оширилди. Айниқса, бу даврда музей ёшлар билан гавжум бўлганлигини, мунтазам равишда «Қушлар байрами» ва бошқа ўқувчи ёшлар тадбирлари амалга оширилганлигини гувоҳи бўламиз.



(ўнгдан чапга)

**Академик Ахмадали Асқаров,  
музей директори Абдужалил Ғаниев.**

1988 – 1994 йилгача Абдужалил Ғаниев музейга раҳбарлик қилдилар. Бу даврда, яъни 1988 йилда музей учун типовой лойиҳа бўйича ҳозир Нодим Намонгоний кўчасида йирик бино қурилди. 1970 – 1988 йилларда музей экспонатларга ниҳоятда бой бўлган илмий даргоҳга айланади. Бу ерда Республикамиз, вилоятимиз табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини акс эттирувчи ранг – баранг экспозициялар мавжуд эди.

1994 – 1997 йилларда Авазбек Қирғизбоев музей раҳбари, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Саидахон Муҳаммадиевалар турли тадбирлар, учрашувлар ташкилотчиси сифатида, илмий ходимлар Т.Бойхонбоев, И.Якубжанов, Ибрагимов ва бошқалар ташаббускорлиги билан ажралиб турарди.

1997 – 2000 йилларда Саидахон Муҳаммадиева музейга раҳбарлик қилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Саидахон Муҳаммадиева эл корини ҳамма нарсадан устун қўювчи инсон эди дея хотирлашади касбдошлари. У 1946 йили энелилар оиласида дунёга келди. Ўрта мактабни битириб, Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугаллаб, Наманган шаҳрининг Шўро худудида жойлашган 14-мактабга ишлай бошлади.

Кейинчалик қаерда бўлса ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндошди. Шу боис уни халқ таълими раҳбарлари «Гўзал» массивида жойлашган 35-бошланғич мактабга директор қилиб тайинлашди. У бу топшириқни ҳам бажонидил қабул қилди ва мактаб опанинг тиришқоқлиги, ташкилотчилик маҳоратининг юқорилигидан кўп ўтмай ўрта мактаб даражасига кўтарилди.

Саида опадаги жўшқинлик, ўлка тарихига қизиқиш 1987 йили вилоят ўлкани ўрганиш музейига етаклаб келди. Шу йилдан бошлаб музейнинг оммавий бўлимини бошқара бошлади. Музейда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, бир нечта кўргазмалар уюштирди. Музей жамоаси вакили Саидахон опа 1997 йили Москвага малака ошириш учун ўқишга юборилди. У ўзининг тиришқоқлиги, жонкуярлиги боис бўлим мудирлигидан илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, сўнгра музей директори лавозимларига кўтарилди.



(ўнгдан чапга)

**А.Бўстонов, И.Ёкубжонов, А.Қирғизбоев,  
С.Муҳаммадиева.**

### **Саидахон Муҳаммадиева**

Аёл кишининг, ай-  
никса ўзбек аёлининг  
рахбарлик лавозимида  
ишлаши оғир ва масъу-  
лиятли. Лекин, у ана  
шу масъулиятнинг уд-  
дасидан чиқди. Бир-  
биридан ширин-шакар,  
қобил 2 қиз, бир ўғилни  
тарбиялаш билан бирга  
музей ривожига учун бор  
билим ва куч-қув-  
ватини сарфлади.



Ана шу пайтда хо-  
димларнинг фаол меҳнатлари самараси эвазига музей 1998  
йилда биринчи тоифали музейлар қаторига кирди. 1998 йили  
музей раҳбари Саидахон Муҳаммадиева бошчилигида иккинчи  
каватда табиат бўлимини жиҳозлаш ишлари бошланди. Вилоят

рассомлар уюшмасининг Т.Ашуров бошчилигидаги мусаввирлар гуруҳи кўргазма залларини ўзгача бир кўринишда безади.

1997-1999 йилларда музейда кўйидаги бўлимлар мавжуд эди:

Табиат, оммавий-оқартув, илмий услубиёт, ҳозирги замон, тарих, санъат, хазина, жанговар шон-шуҳрат (ҳозирги «Хотира ва кадрлаш уйи), «Машраб уй музейи» бўлимлари.

2000-2002 йилларда Кахрамон Аскарлов музей раҳбарлиги даврида музей хазина-фондини тўлдириш ишларига катта эътибор қаратилди. Нагигада 2002 йилда музей хазина ва кўргазма залларидаги экспонатлар сони 62,771 донани ташкил этди.

2002-2004 йил августгача Ҳамидхон Дадабоев музейга раҳбарлик қилди. Назаримда, турли тоифадаги одамлар бор. Шулардан бир тоифаси бутун дунё ғами билан яшайди. Уларнинг қилган иши элга ас қотади. Айримлар ўз мамлакати, Ватани учун куйиб-ёнади. Биров ўз шаҳри ёки тумани, кимдир ўз кишлоғи ва маҳалласининг ғами билан яшайди. У ҳам худудига нафи тегадиган иш қилиб, кўпчиликни хурсанд қилади.

## Ҳамидхон Дадабоев

Ҳамидхон Дадабоев ана шундай одамлар сарасига қиради. Мен Ҳамидхон ака билан музейга ишга келмасимдан аввал, аниқроғи у киши З.М.Бобур номидаги истироҳат боғи



директор вазифасида ишлаётган пайтида хизмат юзасидан суҳбатлашган эдим. Ана шу бир маротабалик суҳбат менда у кишига нисбатан ҳурмат туйғуларини кучайтирганди. Раҳбарга хос босиқлик, камтарлик, ўз ишини яхши билишлик, катаю

кичикни ким бўлишдан қатъий назар ҳурматлаш қобилиятига эга. Ҳамидхон акадаги инсонийлик, меҳр-оқибат ҳам ўзгача. У киши тўғрисида тез-тез музейда суҳбат қурилганда фақат ибратли тарзда тилга олинади. Музейда ишлаб нафақага чиққан касбдошларини ёйинки улар ўтиб кетишган бўлсаларда оиласини байрам арафасида ёнларига музейнинг ёши катта ходимларини олган ҳолда совға-салом билан табриклар келишни ҳеч қачон тарк этмаган. Инсонийлик дегани шу бўлса керак-да.

Биз юқорида айтдик, Ҳамидхон Дадабоев ўз ишини яхши биларди. Ҳақиқатдан, у киши қаерда ишламасин биринчи навбатда ходимнинг ижтимоий-оилавий, иқтисодий аҳволига катта эътибор қаратарди. Барчага яхши иш шароитини яратиб бериш билан бирга музей иши учун ҳар бир ходимдан катта масъулият билан ёндошишни талаб қиларди. Ана шунинг учун ҳам у киши раҳбарлиги даврида айниқса, 2003 йил «Обод маҳалла йили» Давлат дастурини бажариш, бу борада вилоятда олиб борилаётган ҳайрли ишларни ёритиш, тарғиб этишни ташкил этишда ҳамда музейга кўплаб ўқувчи, талаба ёшларни жалб қилишда, кўчма музейлар ташкил этишда чинакамига шахсий намуна кўрсатганлар.

2003-2004 йилларда музейда табиат, тарих, санъат, услубиёт бўлимлари, хазина, маънавият, адабиёт ва қўлёзмалар секторлари мавжуд эди. Экспонатлар сони 63,118 тани ташкил этди.

2004-2009 йиллар энг қайноқ йиллари бўлиб ҳисобланади, десак муболаға бўлмас. Музей тарихида тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Юнусович Юсуповнинг 2004 йил августидан музейга раҳбарлик даврининг бошланиши музейнинг ижтимоий-илмий-маърифий ва ташкилий ишларида жуда катта силжишлар бўлдики, вилоят ўлкани ўрганиш музейи қисқа муддат ичида нафақат Фарғона водийси музейлари орасида, ҳатто Республика музейлари ўртасида алоҳида нуфузга, ўрнига эга бўлиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигида ҳурмат билан тилга олина бошланди. Бундай шарафга эга бўлишимизда

хурматли устозимиз, жонкуяр тарихчи олим, меҳрибон мураббий Иброҳимжон Юнусовичнинг ташкилотчилик қобилиятлари, ғайрат шижоатлари вилоят ва республикада элга танилганликларининг туфайлидир.

Устозлар ҳақида қалам тебратиш ҳам ёқимли, ҳам масъулиятли. Ёқимли томони, шундай инсон билан яқиндан мулоқот қилган, ундан сабоқ олиб, ўғитларидан баҳраманд бўлган дамларни эслаш бўлса, иккинчи жиҳати эса ана шундай инсоннинг ҳаёт фаолиятлари, ижодлари ва ғайратларини оқ қоғозга тушириб бериш масъулиятидир.

Ҳаётда инсон мавжудлигининг ўзиёқ катта бахт. Бирок, ато этилган ана шу умрни ким, қандай ўтказди? Бу унинг табиатидан, яшаган, тарбия олган муҳити тақозосидан келиб чиқади: биров умр бўйи меҳнат қилади, ўзгаларга ҳамиша яхшиликни соғиниб яшайди. Элимга, юртимга бирор нафим тегса, дейди. Айримлар эса, ўз қобигига биқиниб олади – да, фақат ўзини ўйлаб яшайди. Лекин, бундайлар эл назаридан қоладилар. Унинг номи жисми билан баробар ўтади.

Лекин катта қалб эгаси Иброҳимжон Юнусович бутун умрини халқи бахт-саодати, юрти равнақи учун сарф этган, аввало устоз, жонкуяр ва ғамхўр раҳбар, тиниб-тинчимас, ғайратли, ташкилотчи ходим, илм-фан тарғиботчиси. Музейшунос, бир қатор орден, медал ва ташаккурномалар соҳибининг тўла ҳаёт йўли ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз.

Одам боласининг дунёга келиб, яшаб, ўтгунгача умрини икки эшик орасига менгзаймиз. Таниқли ёзувчимиз таъбири билан айтганда, биров унга биттагина бўлсада, ғишт қўйиб ўтади, айримлар эса ундан юлиб ўтади. Гоҳида биз босиб ўтаётган йўллар, ҳар кунни ёки кун ора кириб чиқадиган бино, ёки оддийгина гулзор, ёки соя-салқин бериб турадиган хушманзара дарахтларга эътибор беравермаймиз. Бир пайтлар шулар бўлмагани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

## ЮСУПОВ ИБРОҲИМЖОН ЮНУСОВИЧ



Лекин, Наманганликлар музейнинг обод, кўркам, файзли бўлишида, илмий салоҳиятини юксалишида, илмий-маърифий ҳамда оммавий ишларнинг юқори савияга кўтарилишида, музей кўرғазма залларининг замон талаби руҳида қайта жиҳозланишида, музейнинг вилоят, туман, шаҳар ҳамда шаҳримизга ташриф буюрган зиёратчи меҳмонлар билан гавжум бўлишида Иброҳим Юсупов бош-кош турганлигини яхши билишади.

«Ҳаётда ҳар нарсанинг ўз ҳисоби бор, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир кун қайтади»,-деб бизга доимо эслатиб турадилар Иброҳимжон ака суҳбатлашганларида. Кўлларига келиб тушган ҳар қандай ишни шошилмай, пухта ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриб чиқадилар. «Беғуноҳ инсон ноҳақлик жабрини тортмасин»,-Эркинжон деб тез-тез менга уқтирардилар.

Ана шундай сирли қобилиятлари туфайли музей жамоасида ҳамжиҳатлик, ишчанлик руҳияти шакллантирилди. 2004 – 2009 йилларда музей ҳастида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, музейнинг 3-қават кўрғазмалар зали тамомила янгитдан экспозицион режа асосида қайта жиҳозлаш амалга оширилди. У ерда тарих, этнография, мустақиллик йилларида Наманган, Наманган адабий муҳити, санъати кўрғазмалар залига янгича кўриниш қиёфаси киритилди. Табиат кўрғазма залида эса ёшларимиз учун зарур бўлган ўлка табиатига хос экспозициялар яратилди. Шунингдек, музейнинг юраги бўлган хазина-фонд иши қайта йўлга қўйилиб, хазина-

фонд хоналари мукамал таъмирланиб, экспонатларни ўз йўналишлари бўйича жойлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий шкаф, стеляжлар ҳамда компьютерлар билан жиҳозланиб хазина-фонд мсьёрий хужжатларини Низом асосида юритиш амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, музейни том қисмини тўлиқ шиферланиши ва илмий ходимлар учун янги стол – стуллар келтирилиши, замон талабидаги оргтехника, компьютерлар билан таъминланиши музей ҳаётида катта ишлар амалга оширилишига катта имкониятлар очиб бермоқда. Натижада музейимиз водий ва республикада ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бораётганлиги биз музейчилар учун қувонарли ҳолдир. Бу эса ўз-ўзидан музейда турли-туман тадбирлар, мулоқотлар, суҳбатлар ўтказиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш билан кенг қамровли фуқароларни ўқувчи талаба ёшларни аждодлар меросига, Ваганга меҳр-мухаббат руҳида тарбиялашдек буюк ишга манбаа бўлиб келмоқда.



## МУЗЕЙДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН БЎЛИМЛАР

Ҳозирда вилоят ўлкани ўрганиш музейида «Табиат», «Тарих», «Маънавият», «Услубиёт», «Илмий фонд хазина» бўлимлари, «Санъат», «Адабиёт ва қўлёзма», «Мустақиллик йилларида Наманган» секторлари ҳамда «Хотира ва кадрлаш уйи», «Машраб» музейлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Қуйида биз ана шу бўлим, секторлар ҳамда музей филиаллари фаолияти ва унинг жонқуяр илмий ходимлари, назоратчилари хақида сўз юритмоқчимиз.

Табиат бўлими: ўқувчи ёшларнинг энг сеvimли маскани хисобланиб, бу ерда ўқувчи ёшларимиз ўлкамизнинг тупроқлари, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, фойдали қазилмалари, сувлари, тоғлари, парранда-ю кушлари, умуман, табиат дунёси билан танишадилар ва мактабда олган билимларини амалда мустаҳкамлаб борадилар. Табиат бўлими кўргазма залларида ўлка табиатига бағишланган ранг – баранг экспонатлар мавжуд бўлиб, сиз ўлка табиати тарихига бағишланган турли-туман диорамаларни, чунончи, чўл ва чала чўл қумликлари унда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар турига мансуб илон, калтакесак, эчкимар ҳамда чўл ўсимликларини жонли қотирмаси ҳамда «Тўқайзор» диорамасида кўл, қамишзор, тўнғиз, лайлак сингари тўқайзорга хос бўлган паррандалар котирмаси кишига ўзгача таассурот берса, ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган оқ олтинга бағишланган «Пахтазор» диорамасида оппоқ кордек товланиб очилиб турган пахтазор, атрофида минг дардга шифо, пилла етиштириш манбаси тут дарахти, олисларда кўриниб турган ўлкамизнинг кенг гўзал экинзорлари маҳорат билан тасвирланганлигининг гувоҳи бўласиз.



### **«Пахтазор» диорамаси**

Шунингдек, «Буғдойзор» диорамаси ва унда жой олган буғдой экинзори ва атрофида ўтлаб юрган мол-қўй, эчкилар ҳамда вилоятнинг оламга донги кетган Наманган олماзори – узумзорлари акс эттирилган. «Тоғ манзараси» диорамаси ва ундан ўрин олган тоғлик ва оқиб тушаётган зилолдек сув, бахайбат бургутлар, асал кидириб юрган каттакон айик, какликлар галаси қотирмаси шунингдек, оғ ўсимликлари, арчазорни кўриб беихтиёр ўлкамиз табиатига меҳр-муҳаббатингиз ортиб боради.



### Какликлар галаси

Айниқса, кўл ва унинг атрофида турли-туман ўрдак, ғоз, сув каламуши ва кушлар тури гўёки чуғирлашиб нималарнидир муҳокама этаётгандек туюлади. Булардан ташқари биз юқорида айтганимиздек ўқувчи ёшларни, ҳатто катгаларни ҳам ўзига ром этадиган ғор ва ундаги динозаврлар тури тош асрларида жонзотларнинг баҳайбат бўлганлигини кўрсатиш билан кишини ўша даврларга етаклаш билан ажралиб туради. Умуман, табиат бўлимида экология, ҳайвонот ва ўсимликлар турлари бунда айниқса табиат дурдоналари кўرғазмаси диккатга сазовор. Мухтасар айтилганда агар сиз Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейининг табиат бўлими кўрғазмасини озгина вақт ажратиб зиёрат қилсангиз, ўзингизни ҳудди табиат кўйида сайр қилгандек ҳис қиласиз, чарчоқларингиз таркалиб кўнгилли дам оласиз.

Юқоридаги кўрғазмадаги экспозицион ишларни амалга оширишда, зиёратчи меҳмонларни кутиб олишда бўлимнинг

илмий ходим ва назоратчиларнинг хизматлари каттадир. Табиат бўлими мудирини Хусанов Зокиржон, катта илмий ходим кимё фанлари номзоди Аҳмаджон Сиддиқов, илмий ходим Зулфия Комиловалар тинимсиз изланишлари натижасида музейнинг табиат бўлими кўрғазмаси Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси музейлари ўртасида алоҳида нуфузга эга бўлганлигини гувоҳидирмиз.

Умрни оқар дарё дейдилар. Зокиржон ака ана шу умрда из қолдираётган инсон. У 1951 йил 5 сентябрида Уйчи туманининг Жийдакана қишлоғида таваллуд тошган. Тошкент политехника институтининг муҳандис-технолог факультетини тугаллаган. У вилоят ўлкани ўрганиш музейига ишга келгунга қадар китоб савдоси акциадорлик жамиятининг бошқарув раиси ўринбосари бўлиб ишлаш билан қўшлаб етук шоғирдлар тайёрлаб беришга қўлидан келгунча ҳаракат қилган фидоий инсондир. Зокиржон ака камтар, камсуқум, қалами пухта, тажрибали мутахассис. Шунинг учун бўлса керак вилоят музейида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, ҳозирда эса табиат бўлими мудирини лавозимида ишлаш билан ўлка табиатини илмий таҳлил қилиш орқали табиат кўрғазма залида янги тдан яратилаётган экспозициялар, ранг-баранг тадбирларни ташкилотчиси сифатида ўз ўрнига эга. Зокиржон акадаги ҳислат шундаки, ўзига ва бўлим илмий ходимларига нисбатан талабчанлиги, маъмурият тошширикларини ўз ўрнида бажариб бориш масъулияти юқори. Унинг бир сўзи ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди «Биз катталар оғир, босиқ бўлишимиз керак. Сабаби, ёшимиз бир жойга бориб қолди. Бу билан ўзимизни эҳтиёт қилган бўламиз ҳамда ёшларга ибрат бўламиз». Ҳа, бу ҳақ гап. Ишда нималар бўлмайди дейсиз. Зокиржон Хусановнинг 35 йиллик ортиқ меҳнат фаолияти ёшлар учун арзигулик.



**Табиат бўлими илмий ходимлари: З.Хусанов (ўнгдан биринчи), З.Комилова, кимё фанлари номзоди А.Сиддиқов.**

«Ёшлиқдан жўғрофия, адабиёт, тарих фанига кизиқишим мени 1995 йили вилоят ўлкани ўрганиш музейига олиб келди» дейди Зулфия Комилова биз билан суҳбатда. Ҳақиқатта. Наманган шаҳрининг «Жувахона» маҳалласида 1963 йили ҳунарманд оиласида таваллуд топган Зулфияхонда табиатга бўлган муҳаббатдан ташқари, чиройли экскурсовка олиб бориш ҳамда экспозицион кўргазма залларини жиҳозлашда мустақил ишлаш қобилияти мавжуд. Икки нафар фарзандни гарбиялаш билан биргаликда маълумоти махсус-ўрта ҳолда тинимсиз изланишда, доимо устида ишлайди, табиат кўргазма залини янги экспонатлар билан бойитишга астойдил интилиши билан ажралиб туради. Бундан ташқари музей вилоят тадбирларида қатнашди, ўзи ҳам йил давомида кўргазма залларида тадбирлар ташкил этиб келади.

Кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим Аҳмаджон Сиддиқов 1951 йил Тўрақўрғон туманида таваллуд топган. У камтарлиги, ўз фанини яхши билиши, одамлар билан тез тил

топа олиши, берилган тонширикни ўз вақтида бажариши, илмий экспозицион режалар тузишдаги қобилияти билан алоҳида хусусиятга эгадир. Айни вақтда кўпшаб ўлка табиати, экологиясига бағишланган илмий мақолалар муаллифидир. Жумладан «Экологик хабарлар» ойнамасидаги «Ёшларни экологик руҳда тарбиялашда музейларнинг роли», «Экология нима дегани?», «Ичимлик суви ва экология» сингари шу куннинг долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари республика ва вилоят рўзномаларида мунтазам чоп этилиши билан бирга Наманган Давлат университети кимё факультети талабаларига ушбу мавзуларда маърузалар ҳам ўқиб келади.

Қурбонов Мусаввир 2009 йилдан табиат бўлими илмий ходими сифатида иш бошлади. Маълумоти олий. Тошкент Маданият институтининг режиссёрлик факультетини 1986 йилда тугаллаган. Иктидорли ходим эканлигини қисқа вақт ичида кўрсата билди. У табиат бўлимида ташкил этилаётган ва музейдан ташқарида уюштирилаётган тадбирларда музейнинг ҳамма фаолиятида ўз ўрни бор илмий ходимдир.


Тарих бўлими – биз биламизки, тарих арабча сўз бўлиб, «таджик этиш», «текшириш», «воқсалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш» маъноларини англатади. Тарих инсонлар, уларнинг узок ўтмишдан бизгача етиб келган ҳаётий тажрибаси ҳақидаги фандир. Ана шуларни инобатга олганда тарихдан беҳабар халқ-мазлум халқ, тарихи ёлғон ёзилган халқ-махкум халқ, тарихини асраган ва билган халқ-қудратли ва тенглар ичида тенг халқдир.

Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек: «Узок давом этган мафқуранинг қаттиқ тазйикига қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан – авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди».

Юртбошимиз сўзларини биргина музей тарих бўлимида

олиб борилаётган ишлар орқали нақадар тўғрилигини илмий ходимлар саъй – ҳаракатлари туфайли аждодлар меросини сақлаш ва келажак авлодга қолдириш учун илмий изланишларда кўришимиз мумкин. Музейга тарих фанлари доктори, профессор И.Ю.Юсуповнинг 2004 йил директор бўлиб келиши ва у кишининг ташаббуси билан тамомила ўлка тарихи этнографияси, мустақиллик йилларида Наманган кўрғазмалари ҳозирги замон руҳи талаби асосларига жавоб берадиган янги экспозициялар яратилди ва зиёратчилар ҳукмига ҳавола қилиниб ижобий натижалар олмоқда. Ўлка тарихига оид музей кўрғазма залларида ва музей хазина фондида 66,827 та экспонатлар мавжуддир.

Кўрғазма залларини зиёрат қилиб айланар экансиз, ўлкамизнинг энг қадимги даврлардан шу кунгача аждодларимиз босиб ўтган шонли йўли тарихидан қимматли маълумотларга эга бўласиз. Унда сиз ўлкани археологик олимларимиз томонидан ўрганилиши диаграммасига ва харитасига, ибтидоий аждодлар яшаган ғор кўриниши, улар машғулоти, тош асрини бўлиниши, ўша давр меҳнат ва ов қуроллари, Чуст бронза даври манзиллари ва у ердан топилган меҳнат қуроллари, қадимги Қосон, Антик даври, Ўрта асрлар, Темур ва темурийлар даври Ахсикенти, Поп Мунчоктепа ёдгорлиги ва у ердан топилган зеб – зийнатлар, Қўқон хонлиги даврида ўлкамиз, чоризм мустамлакачилик сиёсати даври, Шўролар даври, ўзбек миллий уйи, ховли кўриниши, рус миллий уйи кўриниши билан танишасиз.



### Тарих кўргазма зали.

Этнография кўргазма зали, шунингдек, ҳунармандлар иш устида, нумизматика диаграммалари ҳамда мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган улкан ишлар кўргазма залларида ўз аксини топиши билан аجدодларимизнинг узок тарихий, машаққатли йўллари ҳақида ҳар бир кишини бир дам бўлса ҳам ўйлашга мажбур этади. Ҳа, ҳақиқатдан биз оғир даврларни бошдан кечирдик. Болалигимиздан билиш шарт бўлган оддий ҳақиқатларни англаш учун умримизнинг ярмини бериб қўйдик. Бизни тўғ хавосиз бўшлиқда ушлаб турдилар, бировларни маънавий ўлдириб, бошқаларни мажруҳ эгдилар ва лоқайдлик ниқоби билан яшашга кўниктириб қўйдилар. Бугун эса маълум бўлдики, кўнчилигимизни тўлдирадиган ҳаво, ярамизга шифо бўлгувчи малҳам, юзимиздаги лоқайдлик ниқобини тортиб олиб ташлашга қодир куч – тарих экан деган ҳулосага келишимиз табиийдир.





### Этнография кўргазма зали

Тарих бўлимининг илмий ходимлари билан суҳбат кураб экансиз, ўлка тарихига оид юқоридаги залворли ишларни амалга оширишларида тинимсиз изланишлари билан ажралиб турувчи камтарин инсон Латифахон Ахмадалиева 2005 йил октябридан бўлим бошлиғи сифатида илмий ходимларига ётақчилик қилиб келмоқда, ўлка тарихини қаламга олиш билан у республика, вилоят ойнома ва рўзномаларида шу кунгача ўлка тарихига ҳамда музейдаги тадқиқотларга бағишланган 30 дан ортиқ илмий услубий мақолалар чоп эттирган. Латифахон Ахмадалиева табиати ёқимли, сувлари зилол, одамларининг истараси иссик Заркентда 1970 йилда таваллуд топган. Бу кишлоқ қадимий масканлардан ҳисобланиб, кўшлаб буюк инсонларни тарбиялаб вояга етказганлиги билан ажралиб туради. Латифа ҳамқишлоғи тарихчи олим Эркин Ҳайитбосвлар изидан бориб, ТошДУ тарих куллиётини тугаллади. Унинг орзулари катта, илм қилишдан чарчамади, ҳали изланишда.

Катта илмий ходим Дилфуза Аҳмаджонова 1970 йилда На-

манган шаҳрида туғилган, маълумоти олий. 2002 йилдан бўён музейда ишлаб келади. У доимо ҳаракатчан. 2004 – 2005, 2006 – 2007 йилларда тарих кўргазма залларини қайта жиҳозлаш ишларида алоҳида ўрнак кўрсатди. Вилоят рўзномаларида бир қатор илмий – услубий, тарихий мақолалари чоп этилган. Тарих кўргазмасида янги экспозициялар устида иш олиб бормоқда.

Тарих бўлимининг кичик илмий ходими Айша Ахунова 1959 йилда Наманган шаҳрида таваллуд тошган. Маълумоти олий, Наманган Давлат университетининг рус тили ва адабиёти факультетини тугаллаган. У музейдаги фаолиятини 2008 йил ноябрида бошлаган бўлсада, киска муддат ичида ишига меҳр кўйганлигини кўришимиз мумкин. Айшахон ўзбек ва рус тилини яхши билганлиги музейга ташриф буюрувчи зиёратчи меҳмонларга икки тилда кизиқарли экскурсияларни олиб бориши ёки бўлим мудирини ҳамкорлигида ранг-баранг мавзуларда тайёрлаган илмий услубий маърузалари мазмун моҳияти билан алоҳида қимматга эгадир. У музей ишининг фидойиси сифатида жамоа орасида ўз ўрнига эгадир.




**Тарих бўлими илмий ходимлари: А.Ахунова (ўнгдан биринчи), бўлим мудирини Л.Аҳмадалиева, сектор мудирини Ю.Исоқов, катта илмий ходим Д.Аҳмаджонова.**

Музейнинг 3-кават залида жойлашган «Мустақиллик йилларида Наманган» кўрғазмалар шахримиз меҳмонлари, ўқувчи талаба ёшлари учун Мустақиллик йилларида Наманган вилоятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда спорт соҳасида қўлга киритилаётган ўлка ютуқларини намойиш этиб келмоқда. Бўлимга ташриф буюрсангиз, сиз вилоятнинг халқ маорифи, олий таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, халқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, маиший хизмат ва бошқа соҳаларида мустақиллик туфайли қўлга киритилаётган ва амалга оширилаётган ишларни гувоҳи бўласиз. Янги давр қаҳрамонлари билан танишасиз. Ушбу кўрғазмалар зали ҳар куни ўқувчи билан гавжум. Сабаби, бу ерда ёшлар турли тадбирлар, мулоқотлар, учрашувлар, тўгаракларнинг мунтазам машғулоти олиб борилади. Махсус аудиторияда мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти ўқувчи ва талабаларига очиқ дарслар ҳамда амалий машғулоти йил давомида мунтазам равишда ўтказиб келиниши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ҳозирги кунда илмий ходимларимиз «Мустақиллик йиллари Наманган» кўрғазмалар залида янги экспозициялар «Наманганлик фан докторлари ва академиклар», «Мустақил Ўзбекистоннинг Меҳнат Қаҳрамонлари» мавзусидаги кўрғазма режаларини 2010 йил «Баркамол авлод йили» муносабати билан амалга ошириш учун қизғин иш олиб бормоқдалар. Мустақиллик секторига 1956 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган Юнусхон Исоқов раҳбарлик қилиб келмоқда. Маълумоти олий, музейдаги фаолиятига ҳали кўп бўлмасди. Аниқроғи, учинчи йил ишляпти. Бир қатор тадбирларни ташкилотчиси сифатида музей маъмуриятининг ишончини қозонгани учун унга музей филиали «Хотира ва кадрлаш уйи»га директорлик вазифаси ҳам топширилди. Юнусхон Исоқов «Улар ҳамиша барҳаёт» деб номланган янги экспозицион кўрғазмани зиёратчи меҳмонлар эътиборига ҳавола этди. 2009 йилдан Юнусхон Исоқовни мустақиллик секторига раҳбар этиб тайинланиши «Мустақиллик йилларида Наманган» кўрғазмалар залида янги имкониятлар очилишига

манба бўлди. Тарих фанлари номзоди Бобур Ҳайдаров, тарих бўлими мудири Латифа Ахмадалиева, катта илмий ходим Дилфуза Ахмадҷоновалар ҳамкорлигида Мустақиллигимиз азиз неъматларини тарғиб, ташвиқ этиш борасида тинмай изланишни давом эттирмақдалар.

Наманган адабий муҳити ўзбек бадиий сўз санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келди. XVII – XVIII асрлар ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги адабий ҳаёт ўзбек адабиёти тарихида бой ва кайнок жараён ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири кучая борди. Сўз санъати оғзаки турида кўплаб кўшиқлар, эртақлар, ривоятлар, латифалар яратилди. Насриддин Афанди латифалари ёнига Шох Машраб ҳақидаги ривоят ва латифалар кўшилди. Бир сўз билан айтилганда Наманган кўп асрлик тарихи давомида кўпгина ажойиб олимлар ва шоирларни хаттотларни тарбиялаб етказди. Агар сиз вилоят ўлкани ўрганиш музейига таширф буюрар экансиз, «Наманган адабий муҳити» кўргазмалар залини зиёрат қилмай кетманг. Нимага дейсизми? Сабаби у ерда сиз наманганликларнинг буюк аждодлари бўлмиш З.М.Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодим Намонгоний, Сўфизода, Чустий, Ибрат, Парда Турсун, Усмон Носир, Турғун Пўлат, Жонрид Абдуллахонов, Ҳабиб Саъдулла, Нуриддин Бобоҳўжаев, Исмагуллоҳ Абдуллаев, Одилжон Носиров, Робиддин Исоков, Малик Муродов сингари инсонлар ҳаёт ва ижод йўллари билан ўртоқлашасиз шунингдек шу куннинг забардаст қалам соҳиблари бўлмиш Ёқубжон Ахмадҷонов, Зиёвиддин Мансур, Абдулла Жаббор, Дилбар Бону, Содик Сайхун, Дилором Эргашева, Лутфилло Маҳмуд, Бокий Мирзо, Носир Аббос сингари инсонлар ижод лавҳаларидан илҳом оласиз, XVIII – XIX аср Наманган хаттотлари ишларидан завқланасиз ва ана шундай ҳамюртларимиз борлиги билан фахрланасиз деган умид билдирамиз.



### Адабиёт ва қўлёзмалар кўргазма зали

Адабиёт ва қўлёзмалар сектори бошлиғи Нигора Мўминова 1971 йил Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1989 йилдан буюн музейда ишлаб келмоқда. Нигорахон камтарин инсон бўлиш билан биргаликда меҳрибон она ва ўткир қалам соҳиби ҳамдир. «Бу дунёда ўзи туғилиб ўсган, киндик кони тўкилган юрт ҳақида қалбининг энг тубидан бирор бир сатр эзгу сўз ёзишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак»,- дейди Нигора. У олийгоҳда таҳсил олиб юрган кезлари устозлари Одилжон Носиров, Шаҳодатхон Эгамбердиева, Алихон Ҳалилбеков-ларнинг ижод фаолиятини кунт билан ўрганишга бўлган иштиёқи юқорилиги шунда кўринадики, устозлари изидан бориб изланди, натижада Наманган адабий муҳитини ёритишга доир, Навоий, Бобур ҳаёти ва ижодига ҳамда бошқа адабий йўналишларга доир бир қатор илмий – услубий мақолалари рўзномаларда чоп этилди ва этилмоқда. «Наманган адабий муҳити» кўргазмалар залини замон талаби руҳида экспозицион жиҳозлашда Нигора Мўминова тинимсиз изланди ва машаққатлар, меҳнатлар эвазига вилоят талаба – ёшларига, шунингдек шаҳримиз зиёратчи меҳмонларига тухфа этиш билан алоҳида эътиборга сазовор бўлди.



**Адабиёт ва қўлёзмалар сектори илмий ходимлари: катта илмий ходим М.Холбоева (ўнгдан биринчи), сектор мудирини Н.Мўминова, таржимон Н.Турсунов.**

Адабиёт ва қўлёзмалар секторидан Нигора Мўминова билан ҳамкорликда катта илмий ходим Манзура Холбоева мана бир неча йиллардан бери ҳамкорликда Наманган адабий мухитининг тарихини кенг қамровли вилоят аҳли ва ёшлари ўртасида тарғиб ва ташвиқ этишда тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар. Манзурахон 1968 йили Норин тумани Чўжа қишлоғида туғилган. Ўзи иқтисодчи, ammo «Мени адабиётга, шеърятга бўлган ихлосим, мухаббатим 2006 йили музейга стақлаб келди»,- дейди, биз билан суҳбатда. -Музей маъмурияти мени шу бўлимга ишга тавсия қилгандаги ички ҳис-туйғуларимни билсангиз эди, мен бахтли эдим, орзуим ушалди». Ҳозир Манзура Наманган хаттотлари фаолияти устида илмий ижодни давом эттириш билан зиёратчиларга чиройли экскурсиялар олиб борапти.

2009 йилда «Адабиёт ва қўлёзмалар сектори» га жуда зарур бўлган таржимон вазифасига Нурмухаммад Турсуновни

ишга қабул қилинди. Маълумоти олий, немис-араб тили бўйича мутахассис, унинг олдида қўйган мақсади музейимизда сақланаётган қадимий қўлёзма китобларни тадқиқ қилиш, келгусида вилоят илм аҳлига XVIII-XIX асрлардаги наманганлик хаттотларимиз илмий меросини ўрганиш орқали улкан тухфа тайёрлашдир. Музей жамоатчилиги Нурмуҳаммад Турсунов илмий ижодига қатга умид билдириб қолади.

Ўрта Осиё санъати қадимийлиги билан дунёга машҳурдир. Ўтмишда ота-боболаримиз яратган баркамол, теран мазмунли ва тарихан бебаҳо санъат асарлари жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олган. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга эстетик завқ бағишлайди ҳамда уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим восита ролини ўйнайди. Музейнинг санъат кўرғазмалар залига ташриф этар экансиз, ранг тасвир, қаламтасвир соҳасида, вилоятимиз мўйқалам усталарининг баракали ижодларини томоша қилиш билан биргалликда улар ижодига ҳурмат эҳтиромингиз ортиб эстетик завқ оласиз.

У ерда сиз вилоят мўйқалам усталари Эркин Азизов, Маҳмуджон Ашурматов, Пўлат Жалилов, Х.Усмонов, Ж.Раҳимов, А.Турдиалиев ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари билан танишасиз. «Инсон гўзаллиги,-дейди санъат сектори мудир Розия Пўлатова,-уларнинг ижодида муҳим ўрин тутди. Жумладан. «Ҳаёт дарёсининг бошланиши», «Навбахор», «Умрбоқий», «Навоий авлодлари руҳи», «Амир Темур», «Наманган гўзали», «Аёл», «Нафосат элчиси» сингари кўплаб асарлар Республика ранг – тасвир санъати олтин фондидан жой олган. Санъат кўрғазмалар залида ўлкамизнинг қулолчилик мактаби асарлари, наққошлик санъати усталари маҳсулотлари, каштачилик ва ҳозирги замон мусиқа, театр санъати вакиллари фаолиятини кўриш билан маънавий озуқа оласиз ва ўзингизни сирли оламга кириб қолгандай бўласиз.

Бу бўлим музейда тез-тез зиёратчи меҳмонлар, мунтазам тадбирлар ўтказилиши билан ўзгача таассурот қолдиради. Бадиий асарлар кўрғазмасини ташкил этиш рассомлар ижодини тарғиб – ташвиқ қилиш, янги ижод соҳибларини излаб топиш

ва уларни ижодини қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишда сектор мудирини Розияхон Пулатова, услубчи Мунаввархон Яхъёеваларнинг узок йиллардан бўён олиб бораётган илмий-маърифий ишлари тахсинга сазовор. Ҳар иккиси ҳам қачон қараманг, қўлларида қоғоз билан бир театрға, бир санъат коллежига шошиб кетаётганликларини кўрасиз. Қарға?-деб сўрасангиз тадбир борлиги ёки музейда ўтказиладиган навбатдаги анжуманга тайёргарлик масаласида деб жавоб беришади. Музейда ўтадиган расом – ижодкорлари тадбирида академик Аскаржон Акбаровнинг ҳамкорлиги бўлим илмий – маърифий ишларини юқори савияда ўтиши учун омил бўлиб келмоқда. Бунда санъат секторининг хизматлари катта.



**Санъат сектори илмий ходимлари: сектор мудирини Р.Пулатова (ўнгдан биринчи), услубчи М.Яхъёева**



Музейнинг илмий-маърифий, оммавий ишларида услубият бўлимининг роли бениҳоя муҳимдир. Музей услубиятчиси – долзарб вазифалар бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқувчи ва уларни музей амалиётига тадбиқ қилувчи ҳамиша фаол ходим. У музейда ва музейдан ташқарида ўтказиладиган илмий-оммабоп тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга раҳбарлик қилади. Лекторларга, экскурсоводларга ва илмий ходимларга янги экскурсияларни ўзлаштиришга илмий-услубий ёрдам беради, тизимли равишда экскурсоводларни тинглаб, илмий-маърифий ишлар тажрибасини экскурсияларга тадбиқ қилиб боради. Шундан хулоса қилиш мумкинки, бу бўлим музейни ҳаракатга келтирувчи асосий бўлим сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бўлимга узок йиллик бой иш тажрибага эга бўлган Сайёра Шамсисоева раҳбарлик қилиб келмоқда. У 1961 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1987 йилдан ишлаб келмоқда. Нутқ маданияти юксаклиги, ўз она тилидан ташқари, рус тилида эркин сўзлаша олиши кўргазма заллари бўйлаб хорижлик шаҳримиз меҳмонларига, ўқув юрти талабаларига илмий экскурсия ўқиш услубини юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Оналик масъулияти, турмуш ташвишларидан ортиб, юрт истикболи, миллат тақдири, фарзандлар камоли учун ҳам ёниб яшайди. 2009 йилда мамлакатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали нишондори бўлганлигининг ўзи юқоридаги фикримиз далилидир.



Услубият бўлими мудир С.Шамсибоева  
(уйгдаи биринчи)

Сайёра Шамсибоева музейнинг жамоат ишларида ўзини кўрсатиши билан бирга неча йилдирки музей касаба уюшма раиси сифатида ходимлар соғлиғи ва ижтимоий ҳимояси масалалари жонкуяридир.

Музейнинг маънавий-маърифий, оммавий ишларида «Маънавият» бўлимининг ўрни алоҳида. Маънавият бўлими музей тадбирларини ташкиллаштириш, меҳмон зиёратчиларни кутиб олиш ва уларга таништирув, мавзули ўқув экскурсияларини ташкиллаштириш, ходимлар ўртасида музейда ва музейдан ташқарида мулоқот, суҳбат, гурунглар, учрашувлар ташкил қилиш, тарихий саналарга бағишланган кўرғазмали тадбирларни уюштириш ишларини бошқаради. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Республика маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, вилоят ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг мамлакат таракқиёти ҳамда музейлар фаолиятини яхшилаш чора-

тадбирлари тўғрисидаги фармон ва қарорларини музейда ижро этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва музей ҳаётига тадбир этилади. Бу бўлимда зиёратчиларга ранг-баранг мавзуларда экскурсиялар, суҳбатлар уюштириб келаётган Гўзалхон Валиева, Ҳадияхон Валиевалар музейда иш бошлаганларига ҳеч қанча бўлмай жамоада ва зиёратчилар ўртасида ҳурмат билан тилга олинаётганлиги қувонарли ҳолдир. Гўзалхон, Ҳадияхонлар ҳар иккови ҳам музей ишини ўрганишга бўлган иштиёқининг юқорилиги, муомала маданиятига эътиборлилиги, жамоат ишларида фаоллиги туфайли жамоа билан тез киришиб кетишига имкон яратди-, деб ўйлаймиз. Уларнинг маълумоти олий, музейда иш бошлашдан аввал мактабда ўқувчи ёшларга тарбия беришгани музей кўргазма залларида зиёратчи меҳмонларни кутиб олишда, ўлка табиати, тарихи ва маданияти билан таништиришда жуда қўл келмоқда.



**Китоб муаллифи, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Э.Ю.Мирзаалиев (чапдан биринчи), Маънавият сектор мудири Г.Валиева (ўртада), лектор Х.Валиева.**

Китоб – инсон тафаккурининг ёрқин машъалидир. Китоб миллионлаб кишиларнинг дунёкарашини шакллантиришда, уларни ўз она диёрларини севиш, ардоқлаш билан жамиятнинг тарихий тараққиётини тўғри тушунишда ақлий ва ғоявий қуролдир. Китоб тарғиботини инсон омили учун хизмат қилдиришда бевосита кутубхона мудирлари етакчи ўринни эгаллайди. Бунинг моҳиятини яхши англаган Муборакхон Розикова 2005 йилдан вилоят ўлкани ўрганиш музейининг илмий кутубхонасида сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. У билан китоблар олами хақида суҳбат қилсангиз, дилингиз яйраб, яна суҳбат қурай дейсиз. Муборак Розикова музей илмий кутубхонасида ҳар доим ёшларда китобга бўлган қизиқишини кучайтиришга ҳаракат қилади. «Табиатни асрайлик», «Китоб бизнинг дўстимиз» мавзуларида ўтказилган кеча ва суҳбатлар, шоирлардан Зиёвиддин Мансур, Дилором Эргашевалар ҳамкорлигида ўтказилган «Мен Ватанимни қуйлайман» мавзусидаги гурунглари ёшларда бой таассурот қолдирди. Кутубхона чиройли безатилган. Зиё масканининг деворларидаги кўرғазмалар ўқувчиларнинг келажак орзуларини амалга оширишда муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этмоқда.



**Кутубхоначи М.Розикова (ўртада)**

Хазина-фонд бўлими музейнинг асосий ядроси-хисобланади. У ерда ўлка табиати, тарихи, маданияти кўйингчи аждодларимизнинг ҳунармандчилик санъатининг тарихий сирларини очиб берувчи нодир ва ноёб экспонатлар кўз қорачиғидай сақланади ва музей кўрғазма залларида, музейдан ташқарида ташкиллаштирилган кўчма кўрғазмаларда, музейда ташкил қилинган кўрғазмали тадбирларда зиёратчиларга ҳавола этиш орқали ўтмиш тарихимиз зарварақлари ёритиб борилади. Музей хазина-фонди йил давомида илмий ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари орқали янги-янги экспонатлар билан тўлдириб борилади. Илмий ходимларимиз меъёрий ҳужжатлар тузишади, яъни мулк варақаси, илмий паспортлар ҳар бир экспонат қаердан, ким томонидан олиб келинди, тарихий қиммати, нечанчи асрга, йилга мансуб ва бошқалар аниқланиб музей жамламасига қўшилади ва буюмларни ўрганилиши белгиланади. Уларнинг ижтимоий фойдаланилишига замин яратади. Бу жараён икки босқичдан иборат. Биринчиси-қайд қилиш, иккинчиси-илмий рўйхатга олишдир.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, хазина-фонд бўлимининг иши ғоят масъулият талаб қилади. Бўлимда ажойиб инсон, меҳнатсевар, ишлаб чарчамас, билганларини ўзгалар билан ўртоқлашиш хислатига эга, музей иши билимдони, тажрибали тарихчи Қорабоев Эркин Собирович сардорликни, яъни музей тили билан айтилганда фонд мудирини (хазинабон) вазифасини бажариб келмоқда.



**Хазина-фонд бўлими ходимлари: бўлим мудири Э.Қорабоев  
(ўнгдан биринчи), сектор мудири М.Атабоева, назоратчи  
Н.Жумабоева.**

Эркин ака илмга чанкоклиги, ўтмиш тарихни билишга кизиқиши, ўлка тарихига оид ҳар бир ҳужжат, манба, китобларни ўз фарзандидек эъозлаши, фондда сақланаётган тарихий фото суратларга қараб суҳбатлаша олиши, қадимий археологик буюмларни таърифу тавсифини яхши билиши билан ҳамиша кадрли. Зиёратчиларни ўзбек ва рус тилларда илмий, кизикарли экскурсияларга етаклайди.

Эркин акадаги яна бир хислат муносиб шоғирдлар тайёрлашга интилишидир. Бунни биз шу бўлимда фаолият олиб бораётган Муҳаббат Атабоева, Насиба Жумабоевалар мисолида кўришимиз мумкин. Икковлари ҳам хазина-фонд бўлимида иш бошлаганларига кўп бўлгани йўқ, аммо улардаги шижоат, кизиқиш фонд ишларини тез эгаллаб олишга омил бўлди. Музей экспонатларни бус-бутунлиги, тўлалиги бўйича ўтказилган қайта хатлов ишларида ҳам меҳнатсеварликлари

яккол кўринди. Насиба Жумабоева 2002 йили музейда назоратчи сифатида ишлаб, қобилияти, интилиши, махсус ўрта малакали бухгалтер бўлганлиги учун тезлик билан компьютердан фойдаланиш сирларини эгаллади. Натижада музей кўргазма заллари ва хазина-фонддаги экспонатларни компьютерга киритиш, келажак авлодларга қолдириш ва келгусида каталоглар яратиш борасида изланмоқдалар.

## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўз иш фаолияти давомида илмий тадқиқотларга ҳам қатта эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, 2004 йил август ойидан тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Юнусович Юсуповнинг раҳбар бўлиб келиши, музей илмий салоҳияти юксалишига тўртки бўлди. Музейга етук кадрларни тўйлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тарих фанлари номзоди, доцент Эркинжон Мирзаалиев, кимё фанлари номзоди Аҳмаджон Сиддиқов ва бошқаларнинг жамланиши музейда ўлка тарихи ва маданиятини ҳамда музейда сақланиётган ноҳир, ноёб экспонатларни тадқиқ қилиш борасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни биз тарих фанлари номзоди, доцент Э.Мирзаалиев ҳамда марҳум тарихчи О.Баҳриддиновларнинг 2006 йилда «Тарих – маънавият кўзгуси» (яъни II – жаҳон уруши йилларида наманганликларнинг фронт ва фронт ортидаги жасоратларига бағишланган) китобининг нашр этилиши, И.Юсупов, Э.Мирзаалиевлар ҳамкорликда «Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари» китобининг (2008 йил), И.Юсупов, Э.Мирзаалиев, Р.Уммаатовлар ҳамкорликда «Ахсикент» деб номланган тарихий китобининг (2009)йил чоп этирилишида кўрамыз. Шунингдек, музей илмий ходимлари Э.Мирзаалиев, бош муҳофиз Э.Қорабоев, илмий ходим М.Келдиевалар ҳамкорликда «Наманган вилоятининг археологик ёдгорликлари» рисоласи,

Э.Мирзаалиев услубият бўлими мудири С.Шамсибоевалар ҳамкорликда ёзган «Ўлкашунослик музейи бўлими илмий ходимлари ва экскурсаводлари учун илмий–услубий тавсияномалар» музейчилар учун муҳим қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

Илмий ходимлар республика, вилоят газета ва журналларида ўлка табиати, тарихи, этнографияси ва маданияти тарихига бағишланган илмий–услубий мақолалари билан мунтазам равишда иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Э.Мирзаалиевнинг «Халқ иродаси» газетасида «Наманган ҳунармандчилиги санъати сирлари» мақоласи, Н.Мўминованинг «Наманган ҳақиқати» газетасида «Улуғ зотнинг хайрия ишлари», «Мозийга кўприк» мақолалари, мархум О.Баҳриддиновнинг «Наманган ҳақиқати» газетасида «Тарих кўзгудир» мақоласи, М.Келдиеванинг «Наманганская правда» газетасида «Жемчужина архитектуры Намангана» мақоласи, Э.Мирзаалиев, А.Сиддиқовлар ҳамкорлигида «Экологик хабарлар» журналида «Ёшларни экологик руҳда тарбиялашда музейларнинг роли» мақоласи, Э.Мирзаалиев, Э.Қорабоевлар ҳамкорлигида «Таълим ва тафаккур» журналида «Ноёб ёдгорликлар тарихимиз гувоҳи» мақоласи, И.Юсупов, Э.Мирзаалиев ҳамкорлигида «Наманган ҳақиқати» газетасида «Сайхун соҳилидаги кўҳна шаҳар» мақоласи, Л.Ахмадалиеванинг «Иқтисодиёт ва солиқ» газетасида «Мангулик», «Инсон хотираси муқаддас-қадри буюк», «Биргаликда курашамиз», «Келажакимиз эгалари» мақолалари, Ю.Исоқовнинг «Наманганская правда» газетасида «Древние колодези» мақолалари ўлка тарихи, маданиятини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб келмоқда. Шунингдек, илмий ходимларимиз томонидан 100 дан ортиқ илмий маъруза матнлари, буклетлар, йўл кўрсаткичлар тайёрланиб музей илмий кутубхонасига топширилди. Булар музей тарихини тадқиқ қилувчилар ва музейга ташриф буюрувчилар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон музейлари-



нинг илмий техникавий салоҳиятини юксалтириш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, вазирлик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси, Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳамкорлигида 2007 йил 18 май куни «Халқаро музейлар куни»га бағишлаб «Ўзбекистон музейларининг янгиланиш стратегияси: Фондларни сақлаш ва намойиш этиш истиқболлари» мавзусидаги конференция музей ходим ва илмий ходимларига фондларни яхшилаш, тарғибга келтириш, меъёрий ҳужжатларни юртиш, янги истиқбол руҳидаги илмий экспозицияларни яратиш бобида катта тадбирларни белгилаб олиш учун ҳамда уларни амалга ошириш учун жуда катта услубий манба бўлди.



**2007 йил музейимизда ўтказилган  
«Халқаро конференция»дан лавҳа**

Бундан ташқари Бухоро шаҳрида «Музейлар фаолиятида янги ахборот технологиялари» мавзусидаги республика

семинар-кенгаши ва ушбу семинар кенгашда музейимизнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Э.Мирзаалиевнинг иштироки, кенгаш таассуротлари асосида келгуси илмий тадқиқот ишларида ҳозирги замон технологиясидан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бера бошлади. Натижада музей илмий ходимлар томонидан йил давомида юқори савиядаги илмий-услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, буклетлар тайёрланиши янада яхшиланди.



### **Конференция қатнашчилари кизгин суҳбатда**

Музей маъмурияти 2010 йил «Баркамол авлод йили»ни ўзгача шукуҳ билан бошлади. Жумладан, музейнинг илмий салоҳиятига катта эътибор қаратиляпти. Музейнинг ҳар бир бўлимида соҳа йўналиши бўйича фан номзодлари иш бошлаганлиги қувонарли ҳолдир. Чунончи, музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Юсупов, илмий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари тарих фанлари номзоди Эркинжон Мирзаалиев, тарих фанлари

номзоди Захриддинбобур Ҳайдаров, табиат бўлими катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Аҳмаджон Сиддиков, адабиёт ва кўлёмалар сектори кичик илмий ходими, филология фанлари номзоди доцент Мўминжон Сулаймонов, санъат сектори илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Алижон Турдиалиевлар музей илмий тадқиқоти борасида ўз билим ва тажрибалари орқали аждодларимиз меросини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишда катта ишларни амалга оширишдек, янги режаларни олға суришмоқда. 2010 йил январидан музейда илмий-услубий олимлар кенгаши тузилиб, ўз фаолиятини бошлаганлиги вилоят илм аҳли учун қувонарли. Музей олимлар кенгашининг биринчи илмий кенгашида «Аждодлар мероси» номли илмий тўшам нашрга тайёрлаш режасини ишлаб чиқилиши ва бир овоздан маъқулланиши музейда илмий тадқиқот ишларига жиддий ёндошиш борасида қутлуғ қадам ташланганлигидан далолатдир. Музей олимлар кенгашида музейнинг йиллик илмий-тадқиқот ишлари режаси тасдиқланиб, унда Наманган воҳасининг қадимий шаҳарлари тарихи, археологияси, хунармандчилик санъати турлари ва уларнинг ривожланиш босқичлари, Наманган этнографияси, яъни халқларнинг қадимий анъана удумлари, санъати, меъморчилиги, маданияти, наманганлик шоир, ёзувчи ва олимлар ижодий фаолияти, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимиз омиллари тарихини атрофлича очиб бериш ва келажак авлодга етказиш мақсадлари илгари сурилган. Чунки, ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-қувват олади. Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллий равнақи учун жонбозлик қилган илм-фан соҳибларининг фаолияти эса ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан музей илмий ходимлари ана шу эзгу ниятни мақсад қилиб олган ҳолда илмий маърифий маскан сифатида музей нуфузини ҳамда илмий-тадқиқот салоҳиятини янада юқори савияга кўтариш ҳаракатидалар.

## ИЛМИЙ-ОММАВИЙ ИШЛАР

Музейимиз ўзининг экспозициялари, кўргазмалари ва фонд коллекциялари ёрдамида кенг аҳоли орасида илмий-маърифий, кўргазмалар тадбирларни олиб боради.

Уларнинг асосий шакллари қўйидагича:

1. *Экспозиция ва кўргазмалар бўйича умумий ва мавзувий суҳбатлар ўтказиш;*

2. *Мактаб ўқитувчилари, талабалар, аҳоли билан машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган учрашувлар ўтказиш;*

3. *«Ватан ҳимоячилари куни»;*

4. *«Халқаро Хотин-қизлар байрами»;*

5. *«Наврўз» байрами;*

6. *«Хотира ва қадрлаш куни»;*

7. *«Халқаро музейлар куни»;*

8. *«Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»;*

9. *«Қатагон қурбонларини ёд этиш куни»;*

10. *«Мустақиллик байрами»;*

11. *«Устоз ва мураббийлар куни»;*

12. *«Конституция куни»;*

13. *Вилоятимиз қишлоқ аҳолиси ўртасида кўчма кўргазмалар ёрдамида ўлка тарихи ва маданиятини тарғиб этиш;*

14. *Вилоятимизнинг ранг-тасвир, мўйқалам усталарининг ҳамда ёш ҳаваскор рассомларининг ижодларига бағишланган кўргазмалар тадбирлар ўтказиш;*

15. *Музейда таъкил этилган «Аجدодлар мероси», «Нафосат гулшани», «Ёш табиатушunos», «Ёш эколог» тўғарақларига ўқувчиларни жалб қилиш орқали ёшларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришига эътибор қаратилади.*

Мустақиллик туфайли музейларимизда олиб борилаётган илмий-оммавий ишларнинг мазмун-моҳияти ўзгариши билан

юқори савияга кўтарилганлиги ва бу борада ранг-баранг тадбирлар ўтказилаётганлигини кўришимиз мумкин. Музей маъмурияти вилоятдаги ўқув юртлари билан ҳамкорликда ўзаро шартнома тузиб ва ушбу шартномалар асосида ташкил этилган илмий-амалий экскурсия кунларини ўтказилиши вилоят ўлкани ўрганиш музейи фаолиятида ҳам маънавий ҳам сиёсий аҳамиятга эга бўлган амалдаги ўзига хос катта ижодий тадбирлардан бири бўлиб қолмоқда. Илмий-амалий экскурсия кунларининг ўтказилишининг аҳамияти шундаки, бу тадбирлар зиёратчиларда миллий онг, миллий ғурур, миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда аждодлар меросини ўрганиш ва эъзозлаш, ҳурмат қилишга, она-Ватанни севиш, асрашга, меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда Ватан тарихи, ижтимоий ва табиий фанлардан олган билимларини янада мустаҳкамлашда музейларнинг ўрни бениҳоя катта эканлигига амалда тўла ишонч ҳосил қилинмоқда.

Ўқитувчи-тарбиячи ва мураббийлар эса музей экспозицияси кўرғазма заллари, талаба ўқувчи ёшлар учун амалдаги кўрғазмали ўқув қуруллари бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини яхши билишади. Шунинг учун илмий-амалий очик дарсларни бевосита музей кўрғазма залларида жонли ўтказилишлари мунтазам йўлга қўйилганлиги ўқувчи-талаба ёшларнинг назарий билимларини амалий мустаҳкамлашларида катта манбага айланган.

Ўқув тадбирларни музейда ташкиллаштириш ва ўтказишдан мақсад шуки, ҳар бир тадбир жонли, ўз даврининг нодир, ноёб экспонатларидан фойдаланиб, кўрғазмали ўтказилиши ёшлар калбида аждодларимиз меросига бўлган ҳурмат, эҳтиром туйғулари кучайишида катта омил вазифасини бажаради.

Бундан ташқари музейда ва музейдан ташқарида музей илмий ходимлари ўқув юртлари билан ҳамкорликда ўлкамиздан чиққан шоиру олимлар таваллуд кунларини нишонлашни мунтазам йўлга қўйганликлари қувонарли ҳолдир. Аҳмад Фарғоний, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Сўфизода, Исҳоқхон Ибрат, Чустий, Ҳабиб Саъдулла ва

бошкалар шулар жумласидандир. Айниқса, вилоятнинг туман, шаҳар ва чекка кишлоқларида режа асосида «Аждодлар меросини ўрганиш муқаддас бурч» мавзусида кўчма кўرғазмаларни ўтказилиши ўзининг яхши самарасини берганлигини кўришимиз мумкин. Натижада музей аждодларимизнинг нодир, ноёб экспонатлари билан вилоятнинг чекка кишлоқ аҳолисини ва ёшларни таништирмоқда.

Музейда ўтказилаётган тадбирлар ичида 14 январь «Ватан химоячилари куни», 9 май-«Хотира ва кадрлаш куни», 31 август «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» алоҳида шукуҳ билан ўтказиладики, ҳар доим бу тадбирларда уч авлод вакиллари учрашиб, дилдан суҳбат курадилар. Ўқувчи талаба ёшлар оталар жасорати хақида, юрт мустақиллиги йўлида шаҳид кетган бобо-момоларининг жасоратини тинглашиб, уларга таъзим изҳор этадилар.

Ҳар йили 18 май-«Халқаро музейлар куни», 1 июнь-«Халқаро болалар куни» катта байрам тарзида музейда нишонланди. Шу куни музей маъмурияти ва илмий ходимлар кам таъминланган оила фарзандларига, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига, шунингдек, мактаб ўқувчи ёшларига «Очик эшиклар» кунини ташкил этиб, бепул экскурсовка хизматини олиб борадилар. Ўқувчи ёшлар музей кўрғазма залларидан олам-олам таассуротлар билан қайтадилар.



### **Музейимиз ҳамма вақт ёшлар билан гавжум**

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи 2004-2009 йилларда кўхна ва қадимий шаҳарларнинг атокли саналарида юбилей тантаналарига бағишланган фестивал кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб, республика музейлари ўртасида нуфузли ўринларни эгаллаб келаётир. Чунончи, 2006 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Соҳибкирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган республика музейлар кўргазмасида ўзининг тарихий қимматга эга бўлган экспонатлари билан қатнашиб, музейимиз директори, тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Юсупов «Энг яхши ишбилармон директор» номинациясининг, бош муҳофиз Эркинжон Қорабоев «Энг яхши сайрбон» номинациясининг ҳамда қимматбаҳо совғаларининг соҳиби бўлишди.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан 2007 йил 27 февралдан 2 мартга қадар ўтказилган Ўзбекистон

музейлари фестивалида ҳам музейимиз кўрғазмалари совринли ўринларни эгаллади. Марғилон шахрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивалининг «Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб экспонат эгаси» номинацияси ғолиби ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлигининг махсус соврини ва Марғилон шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

2008 йилда эса пойтахтимиз Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси музейлар фестивалида фаол иштирок этиб, «Тажрибали сайрбон» номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, фестивал хайъати томонидан жорий этилган махсус соврин Республика Президенти И.А.Каримов ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган альбом китоблар билан мукофотланди. Булар музейимизнинг мамлакат миқёсидаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи 2004-2009 йилларда мамлакатимизнинг бошқа вилоят, шаҳарларидан, шунингдек, хорижий мамлакатлардан зиёратчи меҳмонларни қабул қилди. Вилоят сайёҳлик агентлиги бўлими билан ўзаро шартнома тузган ҳолда кўшни Андижон, Фарғона вилоят сайёҳлик агентликлари орқали водий аҳлини, ўқувчи талаба ёшларни Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи кўрғазма залларида сақланаётган аждодларимиз мероси бўлиши нодир-ноёб экспонатлар билан таништириш орқали водий ёшлари онгида аждодлар меросига меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтирди десак муболаға эмас. Жумладан, бир неча мартотаба Фарғона шаҳар сайёҳлик агентлиги бўлимида ташкил этилган қисқа муддатли гидд (экскурсавод)лар тайёрлаш мактабининг ташрифи чоғида музейимиз таклиф ва мулоҳазалар дафтариغا қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Атрофлича ўтмиш тарихини билувчи экскурсавод бўлиш учун Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи кўрғазма залларидан олган таасуротларимиз бизга шундай мақсадни қўйдикки водий музейларида тез-тез бўлишимиз, фикр ва тажриба алмаштиришимиз зарур экан. Наманган вилоят ўлкани



ўрганиш музейи ҳозирги кунда экспонатларининг нодир-ноёблиги ва кўлиги билан республика музейлари ичида ўз ўрни ва нуфузига эга эканлигини гувоҳи бўлдик».



### **Ҳиндистонлик меҳмонлар ва музей ходимлари кўргазма залида**

Наманган вилоят сайёҳлик агентлиги ҳамкорлигида вилоят музейининг илмий-оммавий, кўргазмали тадбирларини ва илмий-тадқиқот ишларини, умуман музей ҳаётини республика, вилоят телевидениеларида тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам бир қатор чиқишларни амалга оширди, ошириб келмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон телевидениесининг «Ассалом, Ўзбекистон» тонги кўрсатувларида, «Ёшлар» телеканалининг «Давр» информацион дастурида, нодавлат телеканаллар телетармоғи кўрсатувларида, вилоят телерадиокомпанияси махсус кўрсатувларида ва алоҳида «Шарқ» телеканалда илмий ходимларимиз ўз интервьюлари билан қатнашишяпти. Музей фаолиятдан 20-30 минутлик махсус кўрсатувлар тайёрланиб, сунъий йўлдош орқали мамлакатимиздан ташқари кўшни давлатларга намойиш этилиши биз музейчилар учун қувонарли ҳолдир.



### Ҳиндистонлик меҳмонлар санъат кўргазма залида.


Айниқса, илмий ходимларимиз 2004-2009 йилларда «Олтин замин» радиостудияси орқали мунтазам равишда ўлка маданияти, тарихига бағишланган чиқишлар қилдилар. Масалан, илмий-маърифий ишлари бўлими мудир, тарих фанлари номзоди, доцент Э.Мирзаалиев «Олтин замин» вилоят радиоси орқали ҳафтада бир маротаба чиқишлар қилганлиги, «Музей, ўтмиш тарихимиз тилсимидир», «Наманган минг ёшдами?», «Ахсикент қадимги Фарғона тарихининг гувоҳи», «Косонсой кушонийлар давлатининг пойтахти», «Чуст ҳунармандлар шаҳри», «Қадимги Боб (Поп) археологик ёдгорликлари изидан» ва бошқа мавзулардаги радиосухбатлари ўзининг мазмун, моҳияти жиҳатидан вилоят аҳлига манзур бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи республикаміздаги бошқа музейлар билан ҳам ўзаро илмий, маданий алоқаларни йўлга қўйган. Чунончи, Тошкент Давлат табиат музейи, Ўзбекистон Халқлари тарихи музейи, Фарғона ўлкашунослик музейи, Андижон ўлкани ўрганиш музейи, Андижон адабиёт музейлари билан мунтазам равишда тажриба алмашиш борасида илмий

ходимларимиз ўзаро борди-келди, илмий-услубий муносабатларни амалга ошириб келмоқдалар.

Шунингдек, музейимиз илмий ходимлари вилоятдаги 6 та «Халқ» музейларига, Поп археология музейи ҳамда жамоатчи, мактаб музейларига мунтазам равишда янги экспозиция режаларини тузиш ва уни амалга ошириш, халқимизнинг ўтмиш мероси бўлган нодир, ноёб экспонатларга тўплаш, сақлаш, намойиш этиш йўл-йўриklarини амалга оширишда ҳамда сақланаётган экспонатларни қайта хатловдан ўтказиш, меъёрий ҳужжатларини расмийлаштириш ишларига услубий марказ сифатида яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Музейнинг таклиф ва мулоҳазалар дафтари, сўровлар ва яқиндан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, халқимизнинг ўтмишдаги бой тарихий, маданий меросидан сўзловчи музей экспозицияси кўргазма залларида жойлашган нодир, ноёб 10,000 дан зиёд экспонат, ёдгорлик коллекциялар, халқ амалий санъатининг нодир асарларини кўрган ва музейдан ташкил этилган қизиқарли тадбирлар иштирокчиси бўлган ташриф буюрувчиларнинг 80-90 фоизи биринчи марта яқиндан амалда танишишга муяссар бўлганликларини қувонган ҳолда изҳор қиладилар.



**Талаба ёшлар музей кўргазма залида**

Бунинг учун уларга шароит яратган корхона, ташкилот, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири маъмуриятига, ҳамда илмий ходимларимизнинг эътиборлари ва кўрсатган хизматларига миннатдорчиликлар билдиришади.

## УЛАР БИЗНИНГ МУЗЕЙДА ИШЛАГАНЛАР

«Ёдгорлик» сўзининг ўзаги «ёд», яъни «хотира» сўзидан иборат. Ана шундан келиб чикиб, олдимизга шундай мақсад кўйдикки, имкон даражасида музейимиз фаолиятида ўз вақтида турли вазифаларда ишлаган ҳамкасабаларимизнинг ҳеч бўлмаса исми шарифларини тилга олиб, ёд этишни жоиз ҳисобладик.

Халқнинг кечаги кун ҳақидаги қанча кун бўлмасин, қанчалик ҳаққоний, мазмунли, ҳосиятли бўлмасин агар бугун бизлар ўша мажмуаларни ўқимасак, ўша воқеалар ҳавоси билан бир дақиқа бўлса ҳам нфас олмасак – тарих китоблари жонсиз бўлиб қолаверади. Фақат инсон нафаси уфуриб турган китобгина, фақат ўқилган китобларгина фақат юракларни тўлқинлантирган сатрларгина боқийдир.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи 90 йиллик шонли тарихи давомидаги зарварақларни кўздан кечирар экансиз, музей ривожини, тараққиёти учун меҳнати синган фидоий инсонлар номларини бирма-бир келтириш ва эслаш билан биргаликда уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромимиз ортади. Биз музейчилар уларнинг вориси сифатида бу инсонлар фаолиятини ўрганиш ва келажакка етказишда масъулдирмиз. Чунки, улар ўз вақтида маънавий ва маърифий ташвиқот бобида имконият даражасида хизматлар қилишган.

Табийки, ҳар бир соҳа вакили ўз иш фаолияти бошланган дамларни доимо хотирлаб юради. Мен 2004 йил сентябрь бошларида вилоят музейидаги фаолиятимни тарих бўлими мудирини вазифасидан бошлаган эдим. Ана шунда мен ҳаётида ажойиб инсон билан Олимжон ака Бахриддинов билан биринчи бор уч-

рашиб суҳбатлашгандим. Уларнинг ишини кузатиб, ажойиб фазилатларини ўзлаштиришга интилдим. Олимжон акада ўз касбини чин кўнгилдан севиш, интизомли бўлиш, ҳар бир топширикни аниқ ва пухта бажариш, ҳалоллик каби хислатларини кўрганман. Яна камтарлик, ҳокисорлик, барчага баробар самимий муносабатда бўлиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишониш, ёрдам бериш каби фазилатлар менинг калбимга ёқилган бир чироқдек туюлди.

## Собик «Хотира ва кадрлаш уйи»

музейи директори  
Олимжон Баҳриддинов



Биласизми? Мағизга тўлган бошоқ, ёки серхосил дарахтнинг боши эгик бўлади. Сермахсул инсоннинг меҳнати ҳам худди шундай. Уларни эъзозлаб, эҳтиёт қилиб, меваси-дан баҳра олмоқ керак. Ҳа, бу ҳақ гап. Мен Олимжон ака билан эндигина танишиб, унинг билими, илми тажрибасидан баҳра оламан деганимда машғум ўлим у кишини орамиздан олиб кетди. Охиратлари обод бўлсин! Аммо, Олимжон акадан бир умрлик ёдгорлик бўлиб ҳамкорликда нашрга тайёрлаб чоп этирилган «Тарих–маънавият кўзгуси» китоби қолди. Бу китобни яратилишида Олимжон аканинг изланишлари, тинимсиз ҳаракатлари, шунингдек, «Хотира ва кадрлаш уйи» музейи кўрғазма залларининг қайта жиҳозланишидаги саъй–ҳаракатлари ёки бирор тадбирни ўтказиш учун пухта – атрофлича масъулият билан ёндошишлари ҳар доим мени лол қолдирарди. Олимжон ака Баҳриддинов 1939 йил 5 майда Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. Тарихчи – муаллим, у киши шаҳар ва вилоят ёшлар ва партия ташкилотларида масъул лавозимларда, шунингдек, вилоят «Хотира ва кадрлаш уйи» музейи директори вазифасида ҳалол ва сидқидил меҳнат қилдилар. Қатор юбилей медаллари соҳиби, икки марта Республика Олий Кенгаши Президумининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган. Бундай инсонлар ҳеч қачон ўлмайдилар, уларнинг ҳаёти келажак учун ўғил-қизлари, набиралари, шогирдлари учун ибрат бўлиб қолади.

Айтишларича, яхши инсон оламдан ўтса, унинг руҳи юл-

дузларга кўчиб, мангу яшаб қолар экан. Ўша юлдуз абадий нур сочиб, тунни ёритар, адашганга йўл кўрсатар экан. Юнусхон ака Ниёзов ҳам гарчанд абадиятга юз тутган бўлсаларда, лекин йўлчи юлдуз мисол қанча-қанча дилларни эзгулик нурлари билан мунаввар этиб, улуғ ишларга сафарбар этаверадилар.

Юнусхон ака Ниёзов музей тарихида хўжалик ишлари бўйича директор муовини, омбор мудирини вазифаларида ишлаш билан бу соҳанинг билимдони, ташкилотчиси сифатида музей тарихида ўзларидан яхши хотиралар қолдирдилар. У киши талабчан, ҳар ишнинг фидойиси эдилар. Ана шунинг учун Юнусхон ака каби инсонлар ҳеч қачон ўлмайдилар. Уларнинг номи ва иши қалбларимизда бир умр сақланиб қолаверади.



**Музей ходимларининг Фарғона сафаридан лавҳа**

Шундай инсонлар борки, уларда битмас-туганмас ғайрат,

ишчанлик хислати мавжуд бўлади. Эргашбой ака Ахуновда ҳам ана шундай қобилият «Машраб» уй музейининг сектор мудири вазифасида ишлаган пайтларида янада ёрқин намоён бўлди. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий – услубий қўлланмалари, буклетлари чоп этилиши билан бирга вилоят рўзномаларида мунтазам қалам тебратишлари билан ёшларга ўрнак бўлдилар. Ҳозир Эргашбой ака нафақада. Қарилик гаштини суриб, тиниб–тинчимас изланишдалар.

Муҳаммаджон Ибрагимов! Бу номни тилга олиш билан хушбичим, келишган, сўзлари теран, ташкилотчи ходим кўз олдимизда гавдаланади. Муҳаммаджон, тадбирларни ташкиллаштириш, дастурларни тайёрлаш, сураткашлик ҳамда даврани маҳорат билан олиб бориш қобилияти мужассам ходим сифатида из қолдирган. Ўз вақтида услубият, маънавият бўлимларини бошқарган.

Юкорида айтилганидек турли йилларда ишлаган катта илмий ходимлар Н.Оббосова, Санъатхон Холматова, бўлим мудирилари Т.Байхонбосов, Аскарбек Акнаров, Исмагулла Якубжонов, Жўраҳон Тўраҳонов, кичик илмий ходимлар Р.Саидрахмонова, Р.Турсунов, Ҳакимжон Сагтаров, Адҳам Абдуллаев, Р.Ҳаққулова, Баҳиёр Рўзинов, Шарофат Ахунова, сектор мудирилари Назира Ғаниева, Алижон Жўраев, тарих бўлими мудири Илҳом Тўхтохунов, кичик илмий ходим Раҳим Косимов, Насима Низомжоновна, услубчи Турдихон Қодирова, Лев Жаббаров, Раъно Отахонова, Илҳом Исмаилов, экскурсавод Нигора Қорабоева, лектор Фотима Ғаниева, кутубхоначи Эътибор Бозорова, илмий ходимлар Улуғбек Турсунов, Ҳайитали Отажонов, Каромат Мўминова, Мирзо Улуғбек Нуралиев, Шавкат Сотиболдиев, таржимон Нилуфар Мирзаева, экскурсавод Муасаллам Раҳмонова, кутубхоначи Эътибор Бозорова, услубчи Одил Мамасаидов, кутубхоначи Маҳфуза Матмуродова, услубчи Муборак Валиева, илмий ходим Хусанбой Умаров, сектор мудири Абдулла Жаббор, илмий ходим Гулжамол Мирзаева, Ўқтамхон Аҳмедова, экскурсавод Дилором Боходирова шунингдек турли йилларда



музей назоратчиси бўлиб ишлаган Асилахон Маҳкамова, Хабибахон Боқиева, Маҳбуба Исабаева, Маъмура Мамадалиева, Зоҳида Садриддинова, Фарида Нурматова, Шахноза Қирғизбаева, Назира Қўчқорова, Бибихоним Хамдамова, Ёқутхон Умаралиева, бош ҳисобчи Хусниддин Қаххоров, кассир-инкассатор Бахтиёр Солиев, кассир Дилфуза Тожибоева, паттачи кассир Қиммат Холбоева, электрик Иброҳим Дадабоев, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуғаффор Халимов, кутубхоначи Салима Пўлатова, рассом безовчилар Сайфиддин Ҳожиёв, Бахтиёр Сидиков, фотограф Адхам Шарипов, хазина-фонд илмий ходими Багаева Татьяна Юнусбекова, тарих бўлими мудири Исоқжон Усмонов, табиат бўлими мудири Эргашали Мирхалилов,

## **ВИЛОЯТ «ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ УЙИ» МУЗЕЙИ**

«Хотира ва қадрлаш уйи» музейи 1975 йил 5 майда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан уруш фахрийларининг тавсиясига кўра ташкил этилган. 1975 йилнинг 11 сентябрида вилоят партия комитети ва халқ депутатлари ижроия комитетининг 99 – сонли қарори билан ўлкани ўрганиш музейининг филиали қилиб тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги 2004 йил 27 сентябридаги ПФ – 3494-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қарорига асосан «Хотира ва қадрлаш уйи» музейи вилоят ўлкани ўрганиш музейининг филиали ҳисобланиб, Наманган вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимига киради. Вилоят «Хотира ва қадрлаш уйи» музейи Наманган шаҳри Амир Темур кўчаси 40 – уйда жойлашган. У ерда 15 нафар ходимлар фаолият олиб бормоқдалар.

Сиз «Хотира ва қадрлаш уйи» музейи кўргазма залларига ташриф буюрар экансиз, «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди!» деб ёзилган шиорга беихтиёр кўзингиз тушади.

Наманганликлар бу тантанали васиятни муқаддас ҳисоблайдилар ва эъзозлайдилар. Улар жанг оловларида Ватан озодлигини ҳимоя қилиш ва ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан унинг шон-шарафини оширган кишиларни алоҳида ҳурмат ва иззат қиладилар, уларга чуқур меҳр ва муҳаббат кўрсатиб келадилар.

Вилоят «Хотира ва қадрлаш уйи» музейи ҳар доим одамлар билан гавжум. Айниқса ёшлар билан. Унинг илмий фонди ва экспозиция кўрғазма залларида тўпланган 21,000 дан ортик ҳужжатлар тарихий-маданий экспонатлар кишиларнинг жангоҳларда ҳамда меҳнат жабҳаларида кўрсатган қаҳрамонликларини намоён этади. Катта авлоднинг жасоратлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мустақил Ватан ва халқ олдидаги бурчинини адо этиш нишонида кучайтиришда қимматли воситадир.

«Хотира ва қадрлаш уйи» музейида директор бўлиб ишлаганлар қўйидагилар:



**Уруш фахрийлари ва музей ходимлари «Хотира ва қадрлаш уйи» музейида**

1. Олтинбоев Рифкат-1975-1976 йиллар;
2. Дадабоев Заки-1976-1982 йиллар;
3. Бойхонбоев Турғун-1982-1983 йиллар;
4. Гаюпов Исакжон-1983-2004 йиллар;
5. Якубжанов Исматулла-2004-2005 йиллар;
6. Бахриддинов Олимжон-2005-2007 йиллар;
7. Исоқов Юнусхон-2007-2008 йиллар;
8. Мирзамахмудова Фарида-2008 йилдан ва ҳозирда.

Фаридахон Мирзамахмудова маълумоти олий, мутахассислиги ўқитувчи. Узок йиллар мобайнида, аниқроғи 1996 йилдан вилоят ўлкани ўрганиш музейи хазина-фонд мудири сифатида ишлаш билан биргаликда музей тадбирларининг ташкилотчи ходимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фаридахон ҳар бир ишга шижоат билан ишга кириш, ҳар қандай яхши қилиниши лозим бўлган тадбирларга биринчилардан бўлиб лаббай деб жавоб қайтариш, музейнинг жамоат ишларида, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинида фаол бўлиш ҳислати устун туради. Фаридахон Мирзамахмудова музей хазина-фондида сақланаётган ҳар бир экспонатнинг тарихий қимматини ўз вақтида тавсифини яхши билувчи илмий ходим ҳисобланади.

Музей маъмурияти Фаридахондаги ташкилотчилик қобилиятларини ҳисобга олиб, 2008 йилдан уни вилоят «Хотира ва кадрлаш уйи» музейи директорлиги лавозимига тавсия этди. У маъмурият ишончини қисқа фурсатда оқлай бошлади. Чунончи, «Хотира ва кадрлаш уйи» музейида ташкил этилаётган ҳар бир тадбирлар ўзгача кўриниш, мазмунга эга бўла бошлади. Айниқса, 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни», 9 май «Хотира ва кадрлаш куни» ўзгача шукуҳ билан нишонланишида музей директори Фаридахоннинг хизматлари каттадир. Фаридахон меҳрибон она, катта бир уй бекаси, айна пайтда халқ ташвиши, музей ташвиши билан яшовчи серғайрат, жамоатчи раҳбардир. Фаридахондаги яна бир ҳислат шундаки, ўрганишдан тўхтаб қолмаслик. У жуда кўп маротаба менга мурожаат қилиб янги экспозицион режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишимни сўраб, биргаликда янги-янги экспозицион режаларга эгалигини кўрсатарди. Бир сўз билан айтганда ўз соҳасини яхши билувчи тиниб-тинчимас ходима.



**«Хотира ва кадрлаш уйи» музейи директори  
Ф.Мирзамахмудова (чапдан биринчи), бош мухофиз  
Л.Расулова**

Музейнинг яна бир жонкуяр ходимаси Лола Расулова 1979 йил август ойидан бўён «Хотира ва кадрлаш уйи» музейининг бош мухофизи бўлиб ишлайди. Тажрибали илмий ходим ҳисобланади. Маълумоти олий, Тошкент Давлат маданият институтини тугаллаган. Тожиқ, ўзбек, рус тилларида эркин сўзлаша олади. Ана шунинг учун музей кўргазмаларига ташриф буюрган шахримиз меҳмонлари, ҳарбий қисм офицер ва зобитларига, ўқувчи-талаба ёшларга қизиқарли экскурсиялар ўтказиб келмоқда. «Хотира ва кадрлаш уйи» музейи кўргазма залларидаги янги-янги яратилаётган экспозицияларда Лола Расулованинг алоҳида хизматлари бор. У мунтазам изланишда. Вилоят газеталарида, айниқса, «Наманганская правда» газетасида тез-тез илмий-тарихий мақолалар билан катнашиши таҳсинга лойиқ. Меҳнатлари давлатимиз томонидан тақдирланган. «Мустақиллигимизнинг

15 йиллиги» нишонининг берилганлиги юкоридаги фикрларимиз далилидир.

«Хотира ва кадрлаш уйи» музейининг катта илмий ходими Гулбахор Тожибоева. У Тошкент маданият институтининг Наманган филиалини тугаллаган. Маълумоти олий. «Хотира ва кадрлаш уйи» музейига ўтишдан аввал вилоят ўлкани ўрганиш музейининг «Санъат» бўлимида катта илмий ходим сифатида ўтказилган тадбирларда фаол қатнашган. Ўлка санъати тарихи сирларига бағишланган илмий маърузалар ҳамда экскурсовкалари билан алоҳида ҳурмат эътиборга эгадир. Айниқса, «Хотира ва кадрлаш уйи» музейида ташкил этилаётган оммавий-маърифий тадбирларда Гулбахор Тожибоеванинг ўз ўрни бор.

Мавлуда Келдиева 1960 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент Давлат Маданият институтининг кутубхонашунослик бўлимини 1983 йилда тамомлаган. Музейда 3 йилдан ортиқ ишлаган бўлса-да, мана шу йилларда ўз қобилиятини намоиш эта олди. «Хотира ва кадрлаш уйи» музейида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш билан музей тадбирларини ташкиллаштиришда жуда фаол қатнашди. Иккинчи жаҳон уруш иштирокчилари, меҳнат фахрийлари тўғрисида кўплаб илмий – оммабоп мақолалар муаллифи. 2009 йилдан Наманган Муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 1-академик лицей кутубхонасида фаолиятини давом эттирмоқда.

«Хотира ва кадрлаш уйи» музейида Мамлакатхон Абдуғаффорова, Холида Загидулиналар назоратчи ходим сифатида узоқ йиллардан бўён ишлаш билан жамоа ўртасида ўз ўринларига эгалар. Айниқса, Мамлакатхон Абдуғаффорова музей тадбирлари ташкилотчиси. «Наврўз» сингари байрамларда кўли ширин ошпаз сифатида ҳамкасбларини сийлайди.



**«Хотира ва кадрлаш уйи» музейи ходимлари: назоратчи  
Х.Загидулина (чапдан биринчи), М.Абдугаффарова,  
Н.Умарова, З.Қирғизова, Р.Раҳимовлар**

Нигорахон Умарова музейнинг ёш назоратчиси. Ўз билим ва тажрибасини тинмай ошириб бораётгани ҳамкасаларининг ҳурматига сазовор. Муслима Абдурахимова экскурсавод сифатида 2010 йилнинг февралдан иш бошлаб, «Хотира ва кадрлаш уй» музейи кўргазма заллари бўйлаб кизиқарли, мазмунли экскурсовка матнларини тайёрлашни маромига етказмоқда. Замирахон Қирғизова музей фарроши. Озодалик жонкуяри.

«Хотира ва кадрлаш уйи» музейида қоровуллар Боки Каримов, Алишер Қодиров, Раҳмон Раҳимовлар сергаклик билан ўз вазифаларини бажаришяпти.

## ВИЛОЯТИМИЗНИНГ «ХАЛҚ» МУЗЕЙЛАРИ

Агар Сиз вилоятимизга ташриф буюрсангиз туманларимиздаги Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимидаги «Халқ» музейларимизни зиёрат қилмай кетманг. Косонсой, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи, Мингбулок туманларидаги «Халқ» музейларимиз ва унинг фидойи, жонкуяр ходимлари вилоят ўлкани ўрганиш музейи илмий ходимлари билан ҳамкорликда аجدодларимиз меросини ўрганиш, бус-бутун сақлаш ва келажакка етказиш учун тинимсиз изланишни амалга ошириб келмоқдалар.

Косонсой «Халқ» музейи Косонсой шаҳар Маҳдуми Аъзам мақбара мажмуасининг биринчи каватида жойлашган. Музей 1982 йилда ташкил этилган. Унинг биринчи биниси Жомеъ масжидида очилган бўлиб, 1993 йилдан Косонсой истирохат боғида фаолият олиб борган, 2007 йил 31 августдан улуғ аллома Маҳдуми Аъзам мажмуасига кўчиб ўтиб, ҳозирда ўша ерда фаолият олиб боради. Музейдаги жами экспонатлар сони 1608 донани ташкил этади. Музей директори Юнусхон Усмонов 1953 йилда Косонсойда таваллуд топган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат маданият институтини тугаллаган. 38 йилдан бўён вилоят, туманда маънавий-маърифий ишларни тарғиб қилиш борасида камтарона ишлаб келмоқда. Шунингдек, М.Атаханова, Р.Йўлдашевлар музейга ташриф буюрувчи зиёратчи меҳмонларни хушмуомалик билан кутиб олиш билан биргаликда Сизни улар Фарғона водийсидаги энг қадимий манзилгоҳлардан бири Косон давлати ва унинг тарихи, маданияти тўғрисида кизиқарли экскурсия олиб боришлари билан бирга Косонсойнинг хушманзара, шифобахш иклимий шароити, оромбахш табиати ва зилол сувлари, дам олиш масканлари, сихатгоҳлари тўғрисидаги кизиқарли маърузалари сизда ўлкамизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шаклланишида туртки бўлиш билан бирга, танангиз ором олади ва маънавий дам оласиз.



### **Вилоят туманларидаги «Халқ» музейи директорлари ва илмий ходимлари музей кўргазма залларида**

Чортоқ гўзал, хушманзара ва мафтункор маскан. Пешкўрғон хақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» да алоҳида зикр этилганлиги бу туманнинг ўтмиши ҳозирги бекиёс табиатига, гўзаллигига уйғунликдан далолатдир. Чортоқ ўзининг муқаддас зиёратгоҳлари, сиҳатгоҳлари, олиму шоирлари билан вилоятимизда салмоқли нуфузга эгадир. Тумандаги «Увайс-ул Қароний» мақбараси, «Алком ача» мақбараси, «Биби Наима» (Сутли булок) зиёратгоҳи, масжиди, «Зирк мозор» зиёратгоҳи Янгиқўрғон ва Чортоқ оралиғида жойлашган Гулдиров кишлоғидаги табиий булоқлар, қудуқ-корезлар, ариқ ва сойлар қўйингчи ўзингиз ташриф буюринг. Халқимизда минг маротаба гапиргандан бир маротаба кўрган афзал деган мақол бор. Сиз у ерга борганда Каримжон ака Тошпўлатов билан учрашмай қайтманг.

Ким дейсизми у кишини? Чортоқ тумани Алихон кишлоғидаги «Халқ» музейини ташкилотчиси (1985 йилда ташкил этилган) тарихчи, меҳрибон мураббий 1930 йилда таваллуд топган, вилоят музейчиларининг энг тажрибали,



кекса сардори, музей фидоийси. Музей ривожда ҳозирги бир кунда экскурсавод Маъмура Азизова, назоратчи Гуломжон Исматуллаевларнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Музей кўрғазма заллари ва Хазина фондларида жами 1310 донга ўтмиш тарихимизни ҳикоя қилувчи экспонатлар жой олган.

Тарих зарварақларини варақлар эканмиз, Тўрақўргон худудини «Алломалар юрти» дегимиз келади. Шоирлар султони-Асириддин Ахсикатий, Захириддин Муҳаммад Бобур, шоирлар Мулла Шамси Шавкий, Ҳайрат Тўрақўргоний, маърифатпар олим ва шоир, тарихчи ва сайёҳ Жунайдуллахон ўғли Исҳоқхон Ибрат сингари аجدодларимизнинг жаҳон илмуфани ва маданияти ривожига қўшган хиссалари уларга бўлган меҳримизни орттиради.



**Вилоят туманларидаги «Халқ» музейи директорлари ва илмий ходимлари музей кўрғазма залларида**

Қадимги Фарғона пойтахти шахрининг Тўрақўрғон худудида Сайхун соҳилида қад ростлагани ҳам ўлка тарихи нақадар узоқ ва бой эканлигидан далолатдир. Агар сиз ушбу тарих билан чуқурроқ танишиш илинжида бўлсангиз, Тўрақўрғонга сафар уюштиринг. Унда унинг 1978 йилда ташкил топган «Халқ» музейини кўрмай қайтманг. Сизни у ерда музей директори Жакбарали Ҳайдаров, экскурсавод Фазилят Жўрабаевалар кутиб оладики, борганингизга афсус чекмайсиз. Сабаби ўлкамизнинг бой тарихий меросини кўриб, мириқиб дам оласиз.

Уйчи туманини тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Чунки, туманнинг Жийдакапа кишлоғининг шундоққина ёнгинасидан «Буюк Ипак йўли»нинг ўтганлиги қадимда Уйчида хунармандчилик, савдо-тижорат ишларини юксалишига туртки бўлган. Мана бу сўзларга кулоқ тутинг-а? Девона бува Аҳмад Яссавийнинг узоқ авлодларидан бўлиб, Нақшбандия тарикати, яъни, «Дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин!» деган таълимоти асосида умр кечирганлар. Ана шундай муътабар инсон Уйчининг Файзиобод кишлоғига келиб ариқлар очдириб, сув келтириб кишлокни обод қиладилар. Турли шаҳарлардан машҳур усталар олиб келиб, макбара барпо этилади. Яхшиси сиз ўзингиз Уйчига ташриф буюринг. У ерда «Девона бува» макбараси, Ўнхаят-Машҳад Жоъме масжидларини Даҳият ота зиёратгоҳларини ўз кўзингиз билан кўринг, хулоса чиқаринг, аммо 1995 йилда асос солинган Уйчи туман «Халқ» музейини кўрмай қайтманг. Нимага дейсизми? Чунки, музейни ажойиб ташкилотчи, серғайрат, фидойи инсон Маҳфузахон Жалилова 15 йилдан бери бошқариб келмоқда. Маҳфузахоннинг маълумоти олий. У Тошкент маданият институтини, кейинчалик Наманган Давлат Университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Назоратчи Раъно Раҳимова, экскурсавод Лолахон Расуловалар музейга ташриф буюрган зиёратчи меҳмон ва ўқувчи ёшларга ранг-баранг экскурсиялар олиб бориши илан ҳурмат қозонмоқдалар.

Янгиқўрғон тумани ўзининг жойлашган географик ўрни билан алоҳида хусусиятга эгадир. Табиати ёқимли, сувлари зилол, одамларининг истараси иссиқ Нанай, Мамай, Заркент,

Паромон сингари хушхаво жойларида дам олиш сихатгохлари, «Наманган олмаси» номи билан машхур бўлган олмалари-ю, антик ва ўрта асрларга оид археологик ва меъморий ёдгорликлари билан машхур. Агар сиз дас олгани Нанай томонга ўтсангиз 1983 йил ташкил этилган 1990 йил «Халқ» музейи мақомини олган 1840 дондан ортиқ экспонатга эга бўлган музейга кирмай ўтманг. У ерда сиз музейнинг ажойиб кўргазма залларидаги экспонатларни кўриб, ўтмиш тарихимизнинг сирларидан бохабар бўласиз, қадимий қадриятларимизга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Музейга ўз ишини фидойиси, олий маълумотли ўқитувчи 1950 йилда туғилган Обидхон Улуғхонов раҳбарлик қилиб келадилар. Мапиратхон Абдуллаева музей назоратчиси сифатида ишлаш билан биргаликда келган зиёратчиларни хушмуомалалик билан кутиб олишини кўриб дилингиз яйрайди.

Вилоятнинг энг кекса туманларидан Мингбулоқ (собик Задарё) тумани 1952 йил апрель ойида ташкил этилган. У Марказий Фарғонанинг асосан қуруқ ва бўз ерларида жойлашган. Туманнинг табиий географик ўрни алоҳидалиги билан ажралиб туради. Худудда Сирдарёдан ташқари Кўкконқўл, Қолгандарё, Тўнғизқўл, Тегирмонқўл каби қўллар мавжуд. Бир сўз билан айтганда Мингбулоқ қадимий Фарғонанинг пойтахти Ахсикент археологик ёдгорлигининг ёнгинасида жойлашганлиги, туман маркази Жомашўй шаҳарчасининг тарихини ҳам узоқ-узоқларга боришини кўрсатса, 1910 йилда барпо этилган «Қолгандарё» масжиди биноси XIX аср охири XX аср бошларидаги меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этганлиги ўша давр уста хунармандлар санъатини кўришимизда катта манба бўлиб қолмоқда. Мингбулоқ чўлқуварлар диёри. Агар сиз Мингбулоқ туманига ташриф буюрсангиз туманнинг 2004 йилда ташкил этилган «Халқ» музейига киришни ёддан чиқарманг. Музейга 1968 йил таваллуд топган маълумоти олий, тарихчи Ғуломжон Худайбердиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг сайи-ҳаракатлари билан музей кўргазма заллари ўзгача шуқуҳ билан безатилганлигини гувоҳи бўласиз. Музей назоратчиси Шоҳида

Шодмонова зиёратчи меҳмонларни кутиб олиш билан биргалликда раво тилда экскурсиялар ўтказиши сизда катта таассурот қолдиради.

## МУЗЕЙ НАЗОРАТЧИЛАРИ ВА ИШЧИ ХОДИМЛАРИ

Музей назоратчиси музей кўрғазма залларида фаолият олиб боровчи ходим ҳисобланади. Улар залларидаги экспонатларнинг яхши сақланишига жавобгар ҳисобланадилар.

Ҳар бир назоратчи белгиланган залдаги экспонатларни сони ва рўйхати билан қабул қилиб олади, тартибни сақлайди, зиёратчиларни ҳушмуомалалик билан кутиб олади ва кузатиб қўяди. Экспонатларни назорат қилади. Ҳар бир назоратчи ўзига хос иш услубига эга.



**Иккинчи қаватдаги кўрғазма заллари назоратчилари:  
М.Мирзаабдуллаева (ўнгдан биринчи), М.Давронова,  
Р.Хожимирзаевалар**

Бу ишларни сидқидилдан адо этиб келаётган Мукаррамхон Нурматова, Робияхон Хожимирзаева, Тожихон Рахимова, Саида Меметова, Малика Давронова, Муқаддасхон Мирзаабдуллаева, Ёкутхон Умаралиева, Дилоромхон Мўйдиновалар ҳозирги кунда ўз ҳаёт фаолиятларини музей билан боғлаганлар. Уларнинг назоратчи вазифасини ҳалол бажаришиб, экспонатлар тарихи, аҳамияти тўғрисида ўз билимларини ошириб боришлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Тожихон Рахимова тўғрисида икки оғиз илик сўз айтиш жоиз. Унинг араб тилини билиши, музей хазина-фондидаги этнографик экспонатларни, эски кўлёзма китобларни тадқиқ қила олиши музей хазина-фондини тартибга келтиришда хазина илмий ходимларига қатта ёрдам бўлмоқда. Камтарлиги, жамоа ўртасида ўзини тута билиши ва ҳаракатчанлиги билан алоҳида ажралиб туради.



**Учинчи қаватдаги назоратчилари: Т.Рахимова (ўнгдан биринчи), С.Меметова, Д.Мўйдинова, М.Нурматовалар**

Хуллас, музей кўргазма залларига кадам ранжида килар экансиз, сизни «Келинг» деган ширин сўзлар билан назоратчи аёлларимиз кутиб олишади ва «Яна келинг» деб хайрлашадилар. Қаранг қандай ҳузурли. Музейимизга меҳмон бўлинг ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Музей фаолиятида шундай соҳа эгалари борки, бажарган ишлар тарих бўлиб келажакка қолади. Улардан музей сураткаши Жобирхон Исмоиловнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Музейнинг бирорта тадбири Жобирхонсиз ўтмайди. «Очик эшиклар куни» дейсизми, буклет ва йўл кўрсаткичлар тайёрлаш дейсизми, экспонатларга илмий паспорт тайёрлашми ва бошқаларда сураткаш ижоди зарур. Кейинги йиллар музей илмий тадқиқотида ва китоблар тайёрлашида Жобирхон Исмоиловнинг беғараз изланишлари катта самаралар бермоқда. Жобирхон музей жамоаси орасида жамоат ишларидаги иштироки ва маъмурият тошшириklarини ўз ўрнида адо этиш билан ҳам ҳурматга сазовордир.



**Сураткаш Ж.Исмоилов**

Музейда иккинчи касб соҳаси-таъмирчи рассом ҳам ўта зарурлиги билан катта аҳамият касб этади. Экспозицияларни яратишга ихтисослашган рассом-безакчи ҳамда экспонатларни қайта таъмирловчи рассомлар бу ерда ўзига хос фаолият олиб борадилар. Улар хизмати ва санъати туфайли музей кўргазма залларига нафосат, гўзаллик ато этилади. 2005 – 2008 йиллар мобайнида рассом (мусаввир) Оқилжон Соттибоев ёш бўлишига қарамай музейнинг учинчи қаватидаги тарих, этнография, мустақиллик йилларида Наманган кўргазма залларини янги экспозицион режа асосида бутун ақл-идроқини, санъатини ишга солиб, қайта жихозлади.

Профессор, ҳайкалтарош Маҳмуджон Раҳмонбердиев томонидан ажойиб санъат асари-ўзбек аёлларинг тикувчилик санъати билан шуғулланиб турган кўриниши, ўзбек миллий хонадонидан отахон ва онахон суҳбат қуриб ўтиргани, келин эса бешикда фарзандини ухлатиб тургани, Кўқон арава ва от билан қадим халқларимиз транспорти ақс эттирилган макетлар маҳорат билан ишлаганлиги музейга ташриф буюрган зиёратчиларда ҳайрат ва таассурот уйғотмоқда.

Демак, бу санъат асарлари ўз-ўзидан ўтмиш тарихимиздан ҳикоя қилувчи манба бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Музей ҳисобхонаси (бухгалтерияси) ҳақида бир оғиз сўз айтмасак бўлмас. Чунки, ходимларнинг ишларига асосий баҳо берувчи, яъни ҳақ тўловчи, шунингдек, муассаса иқтисодий ўсишини ҳисоб-китоб қилувчи ҳамда барча тадбирларда фаол қатнашувчи билимдон ҳисобдонлари иш юритиб келмоқда. Назоратчи Маънохон Ўтбосарова, ёдгорликлар бўйича кассир Ҳусниддин Усмонов, Муборак Бобоева, кассир Муножот Кўргановалар ўз ишининг чинакам фидоийларидир.

Ҳусниддин Усмонов ҳали ёш. 1979 йилда Учқўрғон туманида таваллуд топган. Аммо, маълумоти олий. У Наманган Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг иқтисодчи-бухгалтерия факультетини тамомлаган. Музейда икки йилдан ортиқ ишлаётган бўлсада, меҳнатсеварлиги, ўз касбига меҳр қўйганлиги, оғир, босиқ, ҳар бир гапни ўз ўрнида ишлата билиши, ходимлар кўнглига йўл топа олиши билан ажралиб туради.



### **Бош ҳисобчи Ҳ.Усмонов**

Муборакхон Бобоева 1957 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта. Унинг музейдаги меҳнат фаолиятига 12 йил тўлган бўлсада, ҳамон кассирликни бировга бермайди. Сабаби у ўз касби сир-асрорлари яхши ўзлаштирганидир. У музейга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи меҳмонни биринчи бўлиб кутиб олиб салом-алик қилади. Кун бўйи кимлар келиб кетмайди дейсиз. Уларнинг ҳар бирига мос жавоб кайтаришдек масъулиятни Муборакхон койилмаком бажарувчи ходимадир.

Муножатхон Кўрганова 1965 йил Наманган туманида таваллуд топган. Маълумоти ўрта махсус. 7 йилдан бўён музей ҳисобхонасида кассир вазифасида ишлаб келади. Ундаги ҳислат шундаки, аввало ўз касбини яхши билиш бўлса, сўнгра жамоа ўртасида адолатсизликни кўрганда тез ёниб кетиши ва юзига шартта айта олади. Музейнинг ташкилий жамоат ишларида жуда фаол.

Бу бўлимда яна бир ажойиб ходимамиз Гулчехрахон Кари-



мова 17 йилдан бўён сидкидил хизматда. У 1964 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Маълумоти ўрта махсус. 2009 йил ноябригача музейда ходимлар бўлими назоратчиси вазифасида ишлаб келди. Бу давр мобайнида музей ходимлари билан ишлаш, илмий, оммавий тадбирларни ташкиллаш ҳамда ўтказилишида бевосита иштирок этди. Музейдан ташқаридаги кўчма кўргазмаларда ҳам фаол катнашиб кўпчилик хурматига сазовор бўлди. Гулчехрахонда эркакларга хос мардлик, шижоат, бир сўзлик ва ташкилочилик қобилияти кучли. Уни музей маъмурияти қасрга ишга тайинламасин, ўша жойда ўз меҳнат салоҳиятини намойиш эта оладиган ходимадир. 2009 йилнинг ноябридан Гулчехра Каримовага музей маъмурияти юқоридаги иш фаолиятларидан келиб чиқиб, ёдгорликлар бўйича кассир вазифасига ўтиб ишлашига ишонч билдирди.



**Ҳисобхона ходимлари: А.Отамирзасв (ўнгдан биринчи),  
кассир инкассатор М.Кўрганова, ёдгорликлар бўйича  
кассирлар М.Бобоева, Г.Каримова.**

Музейимизда яна бир инсон 6 йилдан бўён фаолият олиб боради. Ким дейсизми? Абдулҳамид Отамирзаевда. У шу йиллар мобайнида музейнинг турли соҳаларида иш юритиб келди. Бир сўз билан айтганда, кўи киррали нодир, ишбилармон, тиниб-тинчимас бу инсон музейда ҳисобчи вазифасида фаолият бошлаб, сўнг омбор мудир ва 2009 йил ноябридан музейнинг бош ҳисобчиси лавозимида иш юритиб келмоқда.

Музей котибаси бир карашда ишга келиб, хат-хабарларни маълум қилувчи, келиб-кетувчи кишиларга бошлиқ бор-йўқ деб жавоб берувчидек туюлади.



**Котиба М.Усмонова (чапдан биринчи), ходимлар бўлими назоратчиси З.Тўрақуловалар**

Аслидачи, бошқа жойлардаги котибаларни билмайману, бизнинг котиба кийиниш маданиятини ҳам ўз ўрнига қўяди, муомала маданиятига ҳам гап йўқ. Сўзлари ширин, ўзи гўзал, истараси иссиқ, қандай иш буюрилса, «лаббай» деб жавоб берувчи, музейда бажарилаётган илмий–экспозиция режалари, тадбир дастурлари, шу кунгача чоп эттирилган китобларимизда котибамиз Муқалдамхон Усмонованинг хизматлари катта. У юриш–туришу, ўзини тутиш борасида ҳам ўз ибосига эга ходима.

2009 йил ноябр ойида музейда истараси иссиқ, ёшгина Зухраҳон Тўрақулова ходимлар бўлими назоратчиси вазифасида иш бошлади. У 2000 йилда ҳуқуқшунослик коллежини тугаллаб, махсус ўрта маълумотли ҳуқуқшунос ихтисослигини эгаллаган. Зухраҳон қисқа муддатда ўз соҳаси билимдони эканлигини намойиш эта олди. Ундаги ажойиб фазилат шундаки, билмаган нарсасини сўраши ҳамда меъёрий ҳужжатларни ўз ўрнида ижро этиши, иш вақти тугасада ҳужжатларни эрталикка қолдирмай расмийлаштириши ижро интизоми ҳамда музей жамоасига тез қўшилиб кетишидир. Компьютер сирларини жуда яхши билади. Муомала маданиятини ва бошқа ижобий томонлари бу ходимага янада йўлини очиши шубҳасиз.

Абдулҳафиз Умаровни музейга келганига эндиликда 5 йил бўлмоқда. Аммо, мана шу қисқа фурсатда у қандай инсон эканлигини кўрсатди. Серғайратлигига, ташкилотчилиги, ҳар ишни уддалашда қобиллиги ёки ҳозиржавоблиги билан жамоа ўртасида ўз ўрнини топди.



**Ҳайдовчи А.Умаров**

Сиз ҳайдовчи – шофёр экан деб кутилмаган илм – фанга оид савол бериб юрманг, у дарров лол қолдириши ва сиз топа олмаётган жавобни қайтариши мумкин. Музейнинг жамоат ва ташкилий ишларида ҳамиша ўрناق бўлувчи инсон.

Муассасамизда шундай соҳалар борки, ўз йўналиши бўйича музей ҳаёти учун зарур. Бу соҳа «Бино хизматчиси» деб аталади. Бино хизматчиси кўргазма залларидаги экспонатларни сақлашда, музей кўргазма залларида янги экспозициялар яратишда бевосита иштирок этади. Техник жиҳоз ва ускуналарнинг ишга яроқлилигини назорат қилиб боради. Музейни ободонлаштиришда фаол иштирок этади. Ана шу шарафли юмушларни юрак-юрагидан ҳис қилиб, астойдил иш олиб бораётган инсон Ғуломжон ака Аҳмедовдир. У музей ривожини учун қуйиб – ёниб яшаши билан алоҳида ҳурматга эга. Ғуломжон акага чарчадим, зерикдим, қила олмайман сўзлари ёт. Бир қарасанг, гулларга ишлов беради, бир қарасанг кўргазма залларида экспонатларни қайта жойлаштиришда иштирокини кўрасиз. Хуллас, серғайрат ходим.

Музей хўжалиги бир қарашда оддий кўринади. Бирок, унинг ички ҳаётига кириб борсангиз, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган нодир-ноёб экспонатларни сақлаш, келажакка етказиш учун хазина фондининг, кўрғазма залларининг моддий техника базасини мусахкамлаш, илмий ходимлар учун тегишли шарт-шароитларни яратишдек муҳим томонларини кўрасиз. Ички ва ташқи хўжалик фаолиятини юритишни бошқаришга 2010 йилнинг 18 январидан Носиржон Каримов масъул. У киши табиатан оғир, босик, ўз соҳасини яхши билувчи ходим сифатида танилди.



**Бино хизматчиси Ғ.Ахмедов (ўнгдан биринчи), омбор му-  
дири Н.Каримов, дурадгор А.Алиевлар**

Дурадгорлик хунари қадимийлиги билан алоҳида аҳамият касб этиб келади. Музей дурадгор устаси бўлишни ҳамма ҳам билавермайди десак муболаға бўлмас. Бунга сабаб музей дурадгор устасидан нафис санъат хунармандчилиги талаб

этилади. У сақланаётган таъмирталаб ёғоч буюмлар устида иш олиб боради. Янги яратилаётган экспозицияда бевосита иштирок этади. Ахмаджон Алиев 2009 йилнинг 15 декабридан шу вазифада. Иш бошлабоқ ўзининг нимага қодир эканлигини музейнинг 2-кават табиат кўргазмалар залида янги ташкил этилаётган «Жонли бурчак» экспозициясини яратишда кўрсата олди. Музей маъмуриятининг хурматига сазовор бўлиб, унга катта ишонч билдирилди.

Музейни электр-энергияси билан таъминлаш, кўргазма залларини ёритиш, экспозицияларга ёритгичлар қўйиш, ишлари Руслан Сайфутдинов зиммасида. У бу соҳада катта тажрибага эга.



**Электрик Р.Сайфутдинов**

Чунки, 20 йиллик меҳнат фаолиятига эга. Бу кичкина рақам эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Руслан ўз соҳасининг «профессори» деб ҳазиллашадилар ҳамкасблар.

Русланнинг бир сўзи ҳеч қачон ёддан чиқмайди. «Электр билан ҳеч ким ўйнашмаслиги керак». Ҳақ гап. Хавфсизлик талаби ҳам шундай.

### Музей фаррошлари

Биз яхши биламиз халқимиз «Соғлом танда соғ ақл» иборасини ишлатиб келади. Қаерда тозаликка эътибор яхшими ўша ерда иш унумли йўлга қўйилган бўлиб, ходим ўз хонасида дили равшан иш бошлайди. Бу борада музей фаррошларининг хизматлари катта. Фаррошларимиз эрта тонгда музей кўргазма залларини, ходим ва илмий ходимлар хоналарини, қўйингчи, музей ҳовлисида тортиб ҳамма ёқни чиннидек тозалаб, гулларга сувлар қуйишиб қўядилар. Улар заҳматини кўриб бир уларга ҳавас қиласан ҳамда улар меҳнатини эъзозлаш керак деган ўйга борасан.



**Фаррошлар Д.Дадахонова, Ш.Банноева,  
М.Мирзахўжаевалар кўп йиллардан бўён Дилором  
Дадахонова, Шаҳрибону Пулатова, Мухайё Ҳамрабоева,  
Шоира Банноева, Манзура Исақовалар ўз касбларини меҳр  
ва эъзоз билан адо этиб келаётирлар**

Халқимизда касбнинг ва ишнинг ката-кичиги бўлмайди ибораси бор. Сиз қайси ишнинг бошини ушлаган бўлсангиз, ушанга меҳр қўйиб, унинг сир-асрорларини мукамал эгалла-сангиз ўз мақсадингизга эришасиз.



**Омбор мудири Н.Каримов (ўнгдан биринчи), қоровуллар М.Алимов, Ж.Нуриддинов, Ҳ.Рахимовлар.**

Музей ўз фаолияти давомида жуда кўплаб қоровулларни синовдан ўтказди. Жумладан Обидхон Оббосхўжаев, Анвар Оббосхўжаев, Анас Орифхўжаев, Гаффор Ахунзадаев, Маҳмуд Акбаров, Ғуломжон Аҳмедов, Фазлиддин Козоқов, Соддик Иномов, Боқи Каримов, Собит Жўраевлар ўз вақтида музей ва унинг ашёларини кўз қорачиғидай сақладилар. Ўзларига топширилган ишларнинг ижросини тўла таъминладилар. Ҳозирги кунда музейда тўртта қоравул фаолият олиб бормоқда. Улар Мирзохид Тошнўлатов, Ҳасанбой Раҳимов, Жамолиддин Нуриддинов ва Мансуржон Алимовлардир.



## ХУЛОСА

Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли» китобида ажойиб бир ибора келтирилган. «Агар оддий одам ўз келиб чиқишини билмаса, – дейилади-у ўрмонда адашган маймунга ўхшайди: агар у ўз уруғ-аймоғини билмаса, ферузадан ясалган аждархога ўхшайди; агар у аждодлари ҳақида хикоя қилувчи битикларни ўқиёлмаса, йўқолган ва йўлдан чалғиб кетган болакайга ўхшайди». Нақадар ҳаққоний ҳикмат.

Аждодларимиздан мерос қолган нодир-ноёб экспонатларни авайлаб-асрашимиз, асрлар оша салобат тўкиб бизгача етиб келган меъморий обидаларимизни археологик ёдгорликларимизни ҳимоя қилишимиз, улар тарихини атрофлича ўрганишимиз ҳамда келажак авлодларга етказишдек муқаддас ишларни амалга оширишимиз зарурдир.

Нодир-ноёб тарихий, этнографик буюмларни тўплаш, сақлаш ва келажакка етказишда музейларнинг ўрни катта эканлигини биз юқорида қисқа бўлса-да кўриб чиқдик. Музей хазина-фондида сақланаётган ҳар бир экспонатни илмий ходимларимиз ўз фарзандидек эъозлаши ўтмиш тарихимизга ҳурматини билдиради.

«Вилоят ўлкани ўрганиш музейи» музей ишини янада самарали, унумли бўлишини таъминлаш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Музей ривожини учун қатор муаммоларни ҳам ҳал этиб бормоқда.

1. Мавжуд тўпланган фондларни асл ҳолида сақлаш муаммоси;
2. Музейни етук замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш ва илмий салоҳиятини кўтариш;
3. Музей туризмини ривожлантириш;
4. Ўқув юртлари билан илмий-маданий, ўқув алоқаларини юқори савияга кўтариш;
5. Музейнинг хорижий музейлар билан ташқи алоқаларини йўлга қўйиш;
6. Илмий-тадқиқот ишларини юқори савияга кўтариш;
7. Илмий-оммавий ишлар ва тадбирларни музейда ва музейдан ташқарида ўтказиш ва уларда кўплаб ёшлар қатнашишини йўлга қўйиш орқали ижодкорларни танлаб олиш

учун танловлар ўтказиш.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи бўлими «Машраб уй музейи, ҳамда филиали ҳисобланмиш «Хотира ва кадрлаш уйи» музейларининг истиқболдаги режалари устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Келгусида «Хотира ва кадрлаш уйи» музейининг кўргазма залларини ҳозирги замон талаби, истиқлол руҳи асосида қайта жиҳозлаш экспозицион режалар тайёрланмоқда. Бунда 2010 йил «Баркамол авлод йили» муно-сабати билан йигитларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғоялари илгари сурилиб, Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари тарихига бағишланган янги экспозицион режани иккинчи ярим йилликнинг охирида ниҳоясига етказишни белгиланган.

Шунингдек, вилоятдаги «Халк» музейлари ва жамоатчилик музейлари илмий ходимлари ҳамкорлигида бир ойда бир мартаба «Ҳозирги замон музейлари муаммолари ва долзарб вазифалари ечимлари» мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилганлиги ўзининг самарали натижасини бермоқда. Семинар машғулотлари юқори савияда олиб борилишида Наманган вилояти Ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва вилоят ўлкани ўрганиш музейининг тажрибали илмий ходимларининг роли катта бўлмоқда.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялашни амалга оширишда вилоят, шаҳар ҳокимлигининг ҳамда вилоят молия бошқармасининг кўрсатиб келаётган беғараз ёрдамлари туфайли музейимиз республика музейлари орасида ўзининг мустаҳкам ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Бунинг учун музей маъмурияти уларга ўз миннатдорчилигини билдириш билан бирга вилоятимизнинг кенг қамровли аҳолисини, ўқувчи ёшларини ўлка тарихи, маданияти, санъати сирларини ўргатиш орқали Мустақил Республикаимизнинг маънавий-маърифий юксалишига катта илмий-оммавий тадбирларни амалга ошириш билан муносиб ҳисса қўшадилар.





## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи тарихидан.....	5
Музейда фаолият олиб бораётган бўлимлар .....	32
Илмий тадқиқот ишлари .....	54
Илмий-оммавий ишлар.....	59
Улар бизнинг музейда ишлаганлар .....	67
Вилоят «хотира ва кадрлаш уйи» музейи.....	72
Вилоятимизнинг «халқ» музейлари .....	78
Музей назоратчилари ва ишчи ходимлари.....	83

---

*Оммабон нашр*

Эркин Мирзалиев

### **НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКани ўРГАНИШ МУЗЕЙИ: КЕЧА ВА БУГУН**

Муҳаррир:	Жамолиддин Муслим
Тех.муҳаррир:	Саиджон Жўраев
Дизайнер:	Илҳомжон Каҳҳоров
Мусахҳих:	Таваккалхон Акбарова

Босишга руҳсат этилди: 14.01.2010 йил.  
Бичими: 84x108<sup>1/16</sup>. Нашриёт босма табағи: 6, 25.  
Шартли босма табағи: 6, 5. Адади 1000 нусха.  
Буюртма №64.

«ФАРҒОНА» нашриёти.  
150114. Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 28-уй.

«ЖАҲОННАШРИЁТ» ХК босмаҳонаси.  
150114. Фарғона шаҳри, Герцен кўчаси, 2-уй.  
Лиц. № 22-1568. 2007 йил 27 июль.



## **ЭРКИН МИРЗААЛИЕВ**

1951 йили Чортоқ шаҳрида туғилган.

Тарих фанлари номзоди, доцент. У 2001 йилда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

«Олий таълим фидойиси» кўкрак нишони соҳибдори бўлган.

У узок йиллардан бунён Наманган воҳасининг ўтмиш тарихини ёритиш борасида

изланишлар олиб боради. 20 дан ортиқ китоб, рисола,

илмий-услубий қўлланмалар ва 70 дан зиёд мақолалар муаллифи.